Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

24 июль 1971 йил, шанба ◆ № 169 (15.039). ◆ Баҳоси 2 тийин.



Отахон Каримов 30 йилдан бери Уйчи районидаги Ленин номли колхозда сувчилик қилади. У юзлаб шогирдлар етиштирди, ҳозир ҳам далани тарк этмай 10-бригадада ғўза суғормоқда. Суратда: сувчи О. Каримовни кўриб турибсиз.

ШИФОКОРНИНГ БУРЧИ

Халқ соғлиғини сақлаш совет давлатининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Революциядан сўнгги оғир йиллардаёқ В. И. Ленин меҳнаткашлар соғлиғини сақлашга оид юздан зиёд муҳим ҳужжатларга имзо чеккан эди. Партия ва ҳукуматимизнинг кундалик ғамхўрлиги натижасида республикамизда ҳам бу соҳада улкан ишлар қилинди. Илгари аҳоли орасида кенг тарқалган турли энг ҳавфли юқумли касалликлар тўғатилди. Фақат ўтган саккизинчи беш йилликнинг ўзида 148 объект, шу жумладан 7088 ўринли касалхоналар, шулардан қишлоқ жойларда 2500 ўринли шифохоналар қурилди. 1253 ўринли кўп тармоқли, 420 ўринли болалар, 1143 ўринли туғруқхона, 405 ўринли неврологик, 338 ўринли онкологик ва бошқа йўналишдаги шифохоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Медицина муассасаларида мингларлаб шифокор кадрларимиз ўз бурчларини шараф билан бажариб келмоқдалар. Чиндан ҳам ҳаётимизнинг янада гўзаллашувида, муваффақиятларимизнинг тағин ҳам кўпайишида олижаноб касб эгалари-шифокорларнинг улкан ҳиссаси бор. Улар даволаш ишларини яхши йўлга қўйиш билан бирга, атроф-муҳитнинг озода тутилиши, иш ва яшаш шароитларининг қулай бўлиши учун жонбозлик билан кураш олиб боряптилар.

Айни пайтда кун сайин юксалиб бораётган ҳаётимиз саломатлик посбонлари олдига янгиданянги вазифа қўймоқда. Бу вазифалар КПСС XXIV съезди материалларида жуда равшан кўрсатиб берилди.

Маълумки, совет врачи ўзининг чуқур назарий билими, иқтидори, қўлидаги ҳаётбахш тиғи билан коммунизм қурувчиси бўлган халқимизга сидқидилдан хизмат қилишга даъват этилган. У кечаю кундуз ўз вазифасини беминнат, онгли равишда бажармоғи, ҳаётнинг асл маъносини кишилларга яхшилик қилишда, деб билмоғи зарур.

Биз ўз бурчи ва касбига чинакам ихлос қўйган шифокорларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Редакциямизга кунига саломатлик посбонларини мадҳ этувчи ўнлаб хатлар келиб туради. Бу хатларда халқнинг шифокорларга чексиз миннатдорчилиги, ҳурмати акс этгандир.

Дарҳақиқат, ҳар бир шифокор эл иззат-ҳурматига ўз меҳнати ва одамларга бўлган муомаласи билан эришади. Бир оғиз ширин сўз шифокор учун қанчалар зўр қурол, бемор учун эса қанчалар далда эканлигини асло унутмаслик керак.

Тўққизинчи беш йилликда республикамизда соғлиқни сақлаш ишлари янада яхшиланади, даволаш тармоқлари кенгаяди ва медицина ходимлари сони янада ортади. Бу давр ичида қўшимча 16 минг 800 ўринли касалхоналар қурилади. Бундан ташқари 250 та янги дорихона очилади. Медицина олий ўқув юртларига 1975 йилга бориб 3300 ниши қабул қилинадиган бўлади. Тўққизинчи беш йилликнинг охирида Узбекистон ССР соғлиқни сақлаш системасида врачлар сони 32 мингдан ортиши, ўрта медицина ходимлари эса 100 мингга етиши керак. Тошкент Давлат медицина институти учун ноёб комплекс ўқув корпуси ва 2 минг ўринли клиника базаси қурилиши бошланади, Андижон Давлат медицина институти учун 750 ўринли клиника биноси қуриб ишга туширилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш ишларини янада яхшилаш чоралари тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Узбекистон Компартиясининг XVIII съездида ҳам республикада нишиларнинг соғлиғини сақлаш, уларнинг даволаниши ва дам олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ишига бундан буён ҳам катта аҳамият бериш зарурлиги уқтириб ўтилди ва бу соҳада муҳим вазифалар белгиланди. Жойлардаги партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари, соғлиқни сақлаш ишига бевосита масъул бўлган идоралар ҳамда кенг жамоатчиликнинг вазифаси бу режаларни тўла амалга оширишда ғайрат кўрсатишдан иборатир. Шу нарса диққатга сазоворки, бу масала билан ҳозирги пайтда халқ контроли органлари ҳам астойдил шуғулланмоқдалар. Маълумки, шу йилнинг март ойида Узбекистон ССР Халқ контроли комитети билан «Совет Узбекистони» редакцияси ўз активларига газета орқали мурожаат қилиб, ҳаммани территорияларда санитария-гигиена аҳволини яхши йўлга қўйишда ташкилотчи ва назоратчи бўлишга даъват этди. Бу тадбир ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги зиммасида ҳам қатор муҳим вазифалар турибди. Медицина кадрларини мақсадга мувофиқ жойлаштириш, касалхоналардаги ўринлардан тўла фойдаланиш, даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология ёрдамининг ҳамма турлари ҳажмини янада кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, илм-фаннинг энг янги ютуқларини, илғор иш формалари ва методларини ҳаётга жорий этиш масаласида министрлик ва унинг жойлардаги органлари янада актив фаолият кўрсатишлари керак. Шунингдек, амбулатория-поликлиника хизматини ҳам юқори поғонага кўтармоқ, такомиллаштирмоқ зарур.

Шуни айтиб ўтиш керакки, республикамиз қишлоқларида ҳозир энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифохоналар қурилмоқда, уларда малакали ва тажрибали врачлар хизмат қилмоқдалар, ихтисослаштирилган тарзда медицина ёрдами кўрсатиш қишлоқ жойларда ҳам йилдан-йилга яхшиланиб боряпти. Лекин шунга қарамай, айрим қишлоқлардаги шифохоналар қалингача етарли миқдорда асбоб-ускуна ҳамда малакали кадрларга эга эмас. Кўпчилик шифохоналар қулай биноларга эга эмас. Марказдан узоқ участкаларда, яйловларда хизмат қилаётган колхозчилар ва совхоз ишчиларига тиббий ёрдам кўрсатиш талаб даражасида эмас.

Партия ва ҳукуматимиз доимо ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун, деган шиор асосида иш кўриб, шифокорларга ўзларининг олижаноб бурчларини намунали адо этишлари йўлида зарур бўлган ҳамма шароитларни яратиб бераётир. Бунга жавобан республикамиз медицина аҳли КПСС XXIV съезднинг халқ соғлиғини сақлаш ишини янада юқори поғонага кўтариш бўйича қўйган вазифаларини муваффақиятли амалга оширишда ғайрат ва шижоат билан хизмат қилмоқлари зарур.

ЧИРОҚЧИ районидаги «Москва» колхозининг илғор механизатори Тожи Норматов шу кунгача ғўзаларга уч марта сифатли ишлов берди. Суратда: Тожи Норматов университ ёнида ўз ишининг сифатини кўздан кечирмоқда.

МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР

◆ ҲАММА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ ИШГА СОЛИБ, ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИНГ.

◆

◆ УЗУНАСИ ВА КЎНДАЛАНГИГА КУЛЬТИВАЦИЯ ЎТКАЗИШНИ АВЖ ОЛДИРИНГ.

◆

◆ ҒЎЗАЛАРНИ МАШИНА ТЕРИМИГА МОСЛАБ ПАРВАРИШЛАНГ, КАЛТА БЎҒИН, СЕРҲОСИЛ ҚИЛИБ ЎСТИРИНГ.

◆

◆ ҲАШАРОТЛАРНИ ҚИРИБ ТАШЛАНГ.

ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

23 июль куни бўлиб ўтган Тошкент область партия ташкилоти активининг йиғилиши биринчи ярим йилликдаги иш якунларини ҳамда область саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва маиший хизмат ходимларининг 1971 йилги социалистик мажбуриятларини бажариш соҳасида партия, касаба союз ва хўжалик ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилди. Тошкент область партия комитетининг секретари Н. И. Малихин доклад қилди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов ҳам йиғилишда сўзга чиқди.

Партия активи йиғилиши ишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин қатнашди. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Г. И. Вороновни СССР Халқ контроли комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Геннадий Иванович Воронов СССР Халқ контроли комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари.
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1971 йил, 22 июль.

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

МУҚАДДАС ИШИМИЗ

Мусобақа — беллашиш, куч синашиш дегани. Мусобақа зўр куч бўлиб, меҳнатда янги зафарларга, ташаббус кўрсатиш, кашфиёт бунёдга келтиришга чорлайди. Ким ўзарга беллашиш, куч синашда янги қаҳрамонлар, ижодкорлар етишади, орқада қолаётганлар олдинги safda бораётганлар билан тенглашади. Натижада маҳсулот етиштириш кўпаяди, сифати яхшиланади. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш ва авж олдиришга чақирмоқдалар.

КПСС XXIV съезди белгилаган беш йиллик план Директиваларида бундай дейилади: **хўжалик планларини одамлар бажарадилар. Ҳар бир совет киши ўз меҳнати билан коммунизм тантана қиладиган кунни яқинлаштирмоқда. Бутун мамлакатда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, фан-техника революциясининг ютуқларидан тўлароқ фойдаланишга, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни кучайтиришга ва шу асосда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспорт соҳасида иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга қаратилган ижодий иш авж олиб кетди. Аммо ҳали кўп иш қилишимиз керак. Ишлаб чиқаришнинг юксак самарали бўлиши учун собитқадамлик билан олиб борилаётган кураш амалда социалистик хўжаликни юритишнинг энг муҳим шарти, барча ишлаб чиқариш коллективларнинг, миллионларча меҳнаткашларнинг социалистик мусобақасида асосий мазмун бўлиб қолиши керак...**

Партиямизнинг XXIV съездидан кейин мамлакатимиз халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида умумхалқ социалистик мусобақаси қизиб кетди. Республикамиз механизаторлари ҳам мусобақага қўшилиб, 1971 йилда 2 миллион тонна пахтани машиналарда териб бериш мажбуриятини олдилар. Халқимизда «арслон изидан, йигит сўзидан қайтмайди» деган мақол бор. Бутун кучимиз, бой тажрибамизни ишга солиб белгиланган маррани эгаллаймиз, сўзимизнинг устидан чиқиб, механизаторлик касбини шарафлаймиз.

Съезддан буён босиб ўтган йўлимизга назар ташласак республикамиз бўйича 4 миллион 400 минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун жуда катта ишлар қилинганини кўрамиз. Ҳозир ғўзаларимиз барқ уриб ўсяпти, еппасига кўсакляпти. Халқимиз сув етишмаслиги туфайли юз берган қийинчиликларни мардонавор енгяпти.

Шу кунларда эътиборимизни нималарга қаратмоғимиз керак? Ҳар бир механизатор кунлик культивация, эгат олиш, ҳашоратга қарши дори сепиш ва бошқа ишлар юзасидан белгиланган графикларни ошириб бажариши, ишда сон билан сифатни бир-бирига уйғунлаштириб бориши лозим. Сув камчил бўлгач, ер етилиши билан сифатли культивация ўтказиб, намни тўла сақлаб қолишимиз керак. Съезддан кейин ҳар биримиз 800-1000 гектар майдонда механизация ишларини бажариш мажбуриятини олиб мусобақалашганмиз. Унинг ижроси учун кураш — ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Механизаторлар ўзаро мусобақа боғлаганларида машиналар ва механизмларни мавсумга пухта шайлаб қўйиш мажбуриятини олганлар. Мусобақанинг шу моддаси қандай бажариляпти? Бу саволга ўз совхозимиз мисолида жавоб бераман. **56 та пахта териш машинаси, шу жумладан, 35 та «Ўзбекистон» маркали агрегат ремонтдан чиқарилиб, сафга чизиб қўйилди,** махсус комиссия аъло баҳо билан қабул қилди. Бу машина ва агрегатлар байроқча кўтарилиши билан ишга тушириладилар.

Қабул қилинган мусобақа шартида пахта йиғим-терими даврида 440 та механизатор хизмат қилади, дейилган. **Шу кунгача 450 механизатор аттестациядан ўтказилиб, уларга механизаторлик гувоҳномаси берилди. Совхозимиз она-Ватанга 12 минг тонна пахта етказиб беради. Шундан 8 ярим минг тоннасини дала гвардиячиларимиз теради, машиналар ва тележкаларда тайёрлов пунктига ташийди.**

Съезд ҳужжатлари муҳокамаси вақтида ҳар бир механизатор ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, конкрет мажбурият олган. **Мен мавсумда машинада 400 тонна пахта теришга сўз бердим. Бу бултургидан 65 тонна кўп.** Кўп ва тоза пахта териш учун мусобақалашган касбдошларимдан Жаббор Эшонқулов, Нор Ўктамов, Мукаррама Фузайлова, Қодир Ҳамроевлар бункерлардан 250-300 тоннадан дурдона тўкишга ваъда қилдилар. Умуман **совхозимиз бўйича 120 тоннадан кам пахта терадиган бирорта механик-ҳайдовчи бўлмайди.** Шоферлар, тележкачилар, техника билан алоқадор кишиларнинг ҳаммаси ана шундай аниқ мажбуриятлар олдилар.

Теримни узоғи билан 20-25 иш кунида тугаллаймиз! Мусобақа шартининг бир моддасида шундай дейилган. Бунинг ҳам режаларини белгилаб чиқдик. Жумладан, **Донийор Муҳаммедов, Абди Хўжаев, Бахшила Идиев, Мукаррама Фузайлова каби машинага ихлосманд кишилар бошчилик қилаётган бригадаларда умумий ҳосилнинг 90-95 проценти, бошқа бригадаларда 80-85 проценти «зайгори кема»ларда терилади.** Кўсакларнинг 60-65 проценти очилганда машиналарни ишга туширсак, йигирма кунда икки терим ўтказиб, асосий ҳосилни териб оламиз, қолган беш кунда кўрак-кўсакларни саранжомлаймиз.

Тошкент ва Сирдарё областларининг пахтакорлари теримни комплекс механизациялаш ташаббусини бошлаб, жуда яхши иш қилдилар. Совхозимизда ҳам айнан шу йўлдан боришга аҳд қилган бўлимлар сони икки марта кўпайди. **Барно Асадов, Тошпўлат Эргашев ўртоқлар бошчилик қилаётган бўлимларда яппи ҳосилни қўл кучи ишлатмай йиғиб олиш чоралари кўриляпти.**

Машина теримининг тақдирини механик-ҳайдовчилар ҳал қилади. Буни ҳамма яхши билади. Лекин ғўза баргининг ўз вақтида суъний усулда тўкилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бу борада жиддий камчиликка йўл қўйилаётгани сир эмас. Баъзан ғўзаларга муддатидан илгари, баъзан эса муддатини ўтказиб юборib заҳарли химикат сепиладди. Натижада баргнинг тўкилиши кечикади, чала тўкилади, юқори шохлардаги барг самарали таъсир кўрсатган химикат қуйи шохлардаги баргни тўла қамраб ололмайди. Оқибатда пайкалга машина киритиб бўлмайди, киритилган тақдирда ҳам тўкилмаган барглар шпинделларга кириб қолиб, нормал ишлашга ҳалал беради, пахта ерга тўкилади.

Бу камчиликни бартараф этиш ҳам ўзимизга боғлиқ. Граждан авиациясининг учувчилари малакали бўлса, заҳарли химикат норма бўйича сепилса, ишнинг сифати устидан мутахассислар етарли назорат олиб борса, барг тўла тўкилади, бир иш икки бўлмайди. Баргни суъний усулда тўкиш масаласига бу йилги шароитда айниқса катта эътибор беришимиз керак. Чунки ғўзаларнинг ривожи бултургига нисбатан анча яхши. Демак агротехникининг бу тадбирини олдинроқ ўтказиш мумкин бўлади. Шу мақсадда заҳарли химикатлар сепиладиган майдонларни ҳозирдан белгилаб қўйишимиз, учувчиларга карталарни биркитишимиз керак. Ғўзалар баргини узоғи билан бир ҳафта — ўн кун муддатда тўла тўкториб бўлиш — машина теримида муваффақиятни таъминлайди.

Ўтган йиллар тажрибаси машиналар группа усулида ишлатилганида яхши натижага эришиш мумкинлигини исботлади. **Биз машиналарни комплектлаб чиқдик. Ҳар группада 5-6 машина бўлади.** Уларга малакали слесарлар, токарлар, механиклар биркитилган кўчма устаханолар дала бошида хизмат кўрсатади.

Мусобақа шартларининг бажарилиши ҳар куни эълон қилиб борилади. Илғор механизаторларнинг номи «Ҳурмат тахтаси», «Кўрсаткич тахтаси»га ёзиб гурилади. Совхоз маъмурияти ва партия комитети ўрнак кўрсатган кишиларни рағбатлантириш учун мукофот пули, қиммат баҳо саноат моллари ажратди.

1971 йил барча касб эгалари сингари биз механизаторлар учун ҳам синов йилидир. Ҳар биримизга шу кунларда пахтадан юқори ҳосил етиштириш борасида пешона тери тўкиб қилаётган меҳнатимизга, кузда она-Ватан ҳазинасига тўккан «оқ олтин»имизнинг миқдори ва сифатига қараб баҳо берилади. Шундай экан, бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлайлик, партиямизнинг XXIV съезди қарорларида белгиланган улкан вазифаларни шараф билан бажаришда байроқдор бўлайлик, механизаторлар мусобақасини соат сайин, кун сайин авж олдирайлик!

Келинг, дўстлар, беллашайлик!

Ҳаёт СУЛТОНОВ,
Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг механизатори.

ҒУЗОР районидаги Карл Маркс номли колхознинг Аҳмад Бердиев бошлиқ бригадаси аъзолари 58 гектар майдонда 60 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун нурашмоқдалар. Суратда: А. Бердиев иш устида тасвирланган.

А. Тўраев фотолари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Р. Эшчоновни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Совет давлати олдидаги хизматлари учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан меҳнаткашлар депутатлари Хоразм область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раҳим **Эшчонов Меҳнат Қизил Байроқ** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил, 22 июль.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР космонавт учувчилари Совет Иттифоқи Қаҳрамони подполковник Г. Т. Добровольский, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Н. Волков ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. И. Пацаевларнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги таклифларни қараб чиқиб:

Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков ва В. И. Пацаевлар туғилган Одесса, Москва ва Актюбинск шаҳарларида уларнинг бюстларини ўрнатиш тўғрисида;

«Союз-11» космик кемаси қўнган жойда обелиск қуриш тўғрисида;

Космонавтлар таълим олган Ю. А. Гагарин номидаги космонавтлар тайёрлаш маркази биноларида, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. И. Грицевц номидаги Харьков олий ҳарбий авиация учувчилар мактабида, Серго Оржоникидзе номидаги Москва авиация институтида ва Пенза политехника институтида ёдгорлик лавҳалари ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Космонавтлар ўқиган ўрта умумий таълим мактабларига ва Одесса, Москва ҳамда Актюбинск шаҳарларидаги кўчалардан бирига Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков ва В. И. Пацаевларнинг номини бериш тўғрисида меҳнаткашлар депутатлари Одесса, Москва ва Актюбинск шаҳар Советлари ижроия комитетларининг таклифлари маъқулланди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

1952 йил 23 июль революциясининг 19 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номларидан Бирлашган Араб Республикаси Президенти, Араб Социалистик Иттифоқининг Раиси Анвар Садатга, дўст Бирлашган Араб Республикасининг халқи ва ҳукуматига самимий қутловлар йўлладилар ва энг яхши тилакларини изҳор қилдилар.

Араб шарқининг атоқли давлат арбоби Жамол Абдил Носирнинг номи билан чамбарчас боғланган бу революциянинг ғалабаси, дейилади телеграммада, мард Миср халқининг шонли тарихида энг муҳим босқич бўлиб қолди. Революциядан кейинги даврда Бирлашган Араб Республикасида амалга оширилган социал-иқтисодий ўзгаришлар Миср тараққиётининг боришини тубдан ўзгартирибгина қолмай, балки бутун Яқин Шарқ районига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Ўтган 19 йил мобайнида Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама самимий ҳамкорлик вужудга келди ва мустаҳкамланди. Бу дўстлик ва ҳамкорлик мамлакатларимиз халқларининг империализмга қарши, халқлар озодлиги, тараққиёт ва умумий тинчлик йўлида биргаликда олиб бораётган курашида мамлакатларимиз халқлари бахт-саодатини кўзлаб муваффақиятли ривожланмоқда.

Яқинда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида мамлакатларимиз ўртасида тузилган Шартнома имзоланди, ратификация қилинди ва кучга кирди. Бу Шартнома Совет — Миср мусобақалари тарихида жуда катта ўрин олади. Совет раҳбарлари бу Шартнома Яқин Шарқдаги вазиятни нормаллаштириш учун халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга молик бўлишига астойдил ишонамиз, деб таъкидлайдилар.

Телеграммада ишонч билдириб айтиладики, Миср халқининг ва бошқа араб мамлакатлари халқларининг Исроил империалистик агрессияси оқибатларини тугатиш учун, Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун олиб бораётган кураши муваффақиятли тугалланади. Бу курашда, деб таъкидлайдилар Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар, Совет Иттифоқининг ёрдами ва мададига доим умид боғлай оласиз. Совет раҳбарлари дўст Бирлашган Араб Республикаси халқининг Исроил империалистик агрессиясига қарши курашида, янги ҳаёт қурилишида муваффақиятларга эришувини, президентнинг сиҳат-саломат бўлиб, катта ва муҳим ишида муваффақиятлар қозонишини чин кўнгилдан тилайдилар.

(ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

РАЙКОМ АЪЗОСИ

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV съездида қилган ҳисобот докладида, XXIV съезднинг шу ҳақда қабул қилган резолюциясида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми қарорида коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичидаги вазифалар аниқ ва конкрет белгилаб берилди.

«Съезд ўртага қўйган вазифаларнинг кўламига мувофиқ равишда шу вазифаларни ҳал этмоқ учун, — деди Л. И. Брежнев съезд ёпилиш вақтида сўзлаган нутқида, — бутун ишимизнинг савиясини — хўжалик, ғоявий-сиёсий, партиявий-ташкилий ишимизнинг савиясини жуда оширишимиз керак. Барча партия ташкилотларининг бутун куч-ғайратлари съезддан кейин айни шу вазифаларга қаратилиши лозим».

Дарҳақиқат, КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини изчил амалга ошириш соҳасида бошланғич партия ташкилотлари олдида турган вазифаларнинг кўлами жуда каттадир. Партия ташкилотларининг район звеносини мустаҳкамлаш, район партия комитетларининг хўжаликка ва маданий қурилишга раҳбарлик методларини такомиллаштириш, уларнинг сиёсий тарбиячи сифатидаги ролини тинмай ошириш партиявий-ташкилий ишимизнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Область партия комитетининг кундалик иш фаолиятида район партия комитетларининг жанговарлик қобилиятини, хўжаликка омилкорлик билан раҳбарлик қилиш маҳоратини, партиявий-сиёсий иш савиясини ошириш масаласи муҳим ўрин тутмоқда.

Вақти-вақти билан район партия комитетларининг комплекс ҳисоботларини тинглаш, хўжалик ва маданий қурилишнинг муайян соҳасига, идеология ишига раҳбарликнинг аҳволи юзасидан райкомлар фаолиятини ўрганиш ва муҳокама этиш, партиявий-ташкилий ва сиёсий ишдаги ибратли тажрибаларни умумлаштириш ва кенг ёйиш каби хилма-хил методлар ижобий натижа бермоқда. Обком амалга ошираётган планли, аниқ мақсадга қаратилган тадбирларда район партия комитетлари ишига конкрет, самаралироқ ёрдам кўрсатишга интилаётир.

Партия ташкилотининг жанговарлиги, ўз олдидаги вазифаларни муваффақиятли уддалай олиши биринчи навбатда, барча коммунистларнинг активлигига, айни вақтда сайлаб қўйиладиган партия органи аъзоларининг ишчанлиги ва ташаббускорлигига боғлиқ эканлиги ҳаммамизга равшан. Бу жиҳатдан қараганда район партия комитети ишининг муваффақиятини ҳам райкомнинг ҳар бир аъзосининг активлиги ҳал қилади.

Кейинги партия конференцияларида район партия комитетлари составига кўп сонли янги активлар келиб қўшилди. Шаҳар ва район партия комитетлари составига 679 киши сайланиб, улар орасида партия қурилиши соҳасида назарий билим ва амалий тажрибага эга бўлган кадрлар кўп. Айни вақтда райком аъзолари ва аъзолигига кандидатлар орасида ишчилар ва оддий колхозчилар салкам 200 кишини ташкил этади.

Шу нарса диққатга сазоворки, район партия комитетларининг аъзолари ва бюро аъзолари орасида қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари ичидан етишиб чиққан кўпгина актив коммунистлар бор. Боғот районидан тракторчи Озод Машарипов, Гурлан районидан бригада бошлиғи Карим Эркаев, Қўшкўпир районидан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Ўғилжон Нуруллаева ўртоқлар райкомларнинг бюро аъзолигига сайландилар. Ҳазорасп, Хива, Урганч, Шовот ва Янгиариқ район партия комитетларида ҳам колхоз ишлаб чиқаришининг илғорлари, фаол коммунистлар райкомнинг бюро аъзолигига сайланиб катта ишончга сазовор бўлдилар.

Маълумки, юксак ишонч катта масъулият ҳам юклайди. Райком аъзолигига ва бюроси аъзолигига сайланган коммунистларнинг аксарияти буни чуқур ҳис қилади. Улар партия ҳаётининг олий қонуни бўлган — КПСС Устави талабларидан келиб чиқадиган коммунистик бурчларини муносиб равишда бажармоқдалар.

Шу жиҳатдан олганда Янгиариқ район партия комитетининг иш тажрибаси ҳар тарафлама ибратлидир. Бу ерда район партия комитетининг ҳар бир аъзоси коллектив равишда ишлаб чиқилган тадбирларнинг ва қабул қилинган қарорларнинг амалда бажарилиши учун астойдил курашади. Райком аъзоларининг ҳар бири аниқ партия топшириқларини бажариш билан бирга пленумларга, бюро мажлисларига, партия активи йиғилишларига етилган масалаларни тайёрлашда ҳам яқиндан ёрдам берадилар.

Район партия комитети аъзоларидан Макаренко номли мактаб ўқитувчиси Раъно Қаландарова, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи Омон Раҳмонов ўртоқлар бир группа активлар билан биргаликда райкомнинг топшириғига мувофиқ «1 Май» колхози партия ташкилоти иши билан танишиб чиқдилар ва унинг комплекс ҳисоботини райком бюроси муҳокамасига тайёрладилар. Бюро мажлиси қабул қилган қарор социалистик мусобақага раҳбарликни яхшилаш, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни намунали уюштириш соҳасида бошланғич партия ташкилотига амалий ёрдам кўрсатди.

Райком аъзоларидан А. Абдушарипов, О. Сафоев, Д. Матёқубов ва бошқа ўртоқлар бошланғич партия ташкилотларига йиғилишларни тайёрлаш ва ўтказиш, қарорларнинг ижросини текшириш ва сиёсий-тарбиявий, партиявий-ташкилий ишларни такомиллаштиришда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Боғот район партия комитетининг аъзолари райком пленуми ва бюро мажлисларига масалалар тайёрлашга фаол қатнашмоқдалар. Райком аъзоларидан Э. Худойберганов, Ш. Раҳимбоев, А. Тиғай бошчилигидаги активлар район колхозларида чорвачиликнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари ҳақидаги, райком аъзоси М. Раҳимов, И. Одамбоев ўртоқлар эса Димитров номли колхоз партия комитетида КПСС Марказий Комитетининг Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масалаларни тайёрлаб, райком бюроси муҳокамасига киритдилар. Бюро мажлиси қарори ва белгиланган тадбирлар амалий ишда катта наф келтирди. Район партия комитети аъзолари бошланғич партия ташкилотлари ишини яхшилашда ташаббус кўрсатишяпти. Бу соҳада Нариманов номли колхоз раиси, райкомнинг бюро аъзоси И. Дўсовнинг фаолияти ибратлидир. Принципиал коммунист ўзининг қимматли маслаҳатлари, конкрет иши, оқилона мулоҳазалари билан партия ташкилоти ишини намунали ташкил қилишга яқиндан ёрдам бермоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи пленумида колхоз партия ташкилотининг ташкилотчилик фаолиятига ижобий баҳо берилди.

Район партия комитети аъзоларининг активлигини оширишда Шовот район партия комитети амалга ошираётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Муҳим ва актуал масалаларни ҳал қилиш олдидан райком аъзолари ва аъзоликка кандидатлар билан семинар ёки кенгаш ўтказилиб, уларга аниқ топшириқлар берилади. Райком аъзолари бошланғич партия ташкилотларининг иш фаолиятларини ўрганишга ҳам тез-тез жалб қилинади. Бошланғич партия ташкилотларида коммунистлардан аъзолик взносларининг олиниши ва топширилишининг аҳволини текширишда райком аъзоларидан 25 киши қатнашди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVIII пленумининг Ўзбекистон партия ташкилотининг коммунистик қурилишда хотин-қизлар активлигини янада ошириш соҳасидаги вазифалари тўғрисидаги қарори ва район партия ташкилотининг вазифалари ҳақидаги масалани тайёрлашда райком аъзоларидан 23 киши иштирок қилди. Район партия комитетининг аъзолари, аъзоликка кандидатлар ва ревизия комиссияси составидаги 63 киши 38 та бошланғич партия ташкилотидан сайланган. Шу ўртоқлар ўзлари ҳисобда турган партия ташкилоти олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ва ташкилотчилик ишларга бошчилик қилмоқдалар.

Район партия комитетлари ваколати билан райком аъзоларининг коммунистлар олдида чиқиб туришлари амалий ишда яхши самара бермоқда. Уларнинг кўпчилиги райком вакили сифатида бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ишида иштирок этди. Обком ва райком аъзолари КПСС XXIV съезди, Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди якунлари ва партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида партия йиғилишларида доклад қилдилар. Район партия комитетининг иши ҳақида райком аъзолари бошланғич партия ташкилотлари олдида ахборот бердилар. Коммунистларнинг таклиф ва мулоҳазалари сайлаб қўйилган органларнинг фаолиятини яхшилашда муҳим роль ўйнайди.

Бошланғич партия ташкилотлари — партиямизнинг асоси. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи пленуми қарорида КПСС XXIV съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш соҳасидаги вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Маълумки, омма орасида сиёсий ва ташкилотчилик ишларини уюштириш, оммани ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан ривожлантиришга, давлат планларини тўла ва ошириб бажаришга сафарбар этиш соҳасида район партия комитетлари олиб борадиган ишларнинг миқёси кенг ва кўп қирралидир. Партия комитетлари қошида жамоатчилик асосларида тузилган штатсиз бўлимлар, кенгаш ва комиссиялар ишига ҳар томонлама кўмаклашишда, Советлар, касаба союзлар, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятини кучайтиришда райком аъзолари катта ташаббус кўрсатмоқдалар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида иқтисод қилиш режимини кучайтириш тўғрисидаги Хати асосида партия ташкилотлари конкрет тадбирларни амалга оширдилар. Натижада давлат ва кооператив маблағлари, ёнилғи ва электр энергияси анча миқдорда иқтисод қилинди.

Идеология ишларини ташкил этиш, марксизм-ленинизм назариясининг ҳаётбахш ғояларини кенг пропаганда қилиш, меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ошириш — район партия комитетлари ишининг жуда муҳим соҳасидир. Райком аъзолари идеология фронтининг оташин жангчилари сифатида омма орасида сиёсий-тарбиявий иш олиб бормоқдалар. Райком аъзоларидан Янгиариқ районидан врач Б. Уринов, Қўшкўпир районидан «Мўл хосил учун» газетаси редактори Э. Сафоёзов, Шовот район маданият бўлими мудири Х. Раҳимов, Урганч районида «Комсомол» ўрта мактаби бошланғич партия ташкилотининг секретари Б. Абдуллаева ва бошқа ўртоқларнинг лекторлик ва пропагандистлик маҳорати ибрат қилиб кўрсатишга арзийди. Уларнинг ҳозирги диққат-эътибори КПСС XXIV съезди ҳужжатларини меҳнаткашлар онгига чуқурроқ етказишга қаратилган.

Район партия комитетлари райком аъзолари ва бутун партия активининг ғоявий-сиёсий чиниқишига, марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланишига, партия қурилиши назарияси ва практикасини эгаллашига алоҳида эътибор бермоқдалар. Партия-хўжалик активининг ўқуви, семинарлар ва кенгашлар партиявий иш санъатини ўрганишда райком аъзолари ва раҳбар кадрларга анча ёрдам беряпти.

КПСС XXIV съезди қарорларида белгиланган вазифалар район партия комитетларининг ишини янада яхшилаш зарурлигини тақозо этади. Биз айрим район партия комитетлари фаолиятида ҳали анчагина камчиликлар мавжудлигидан, райком аъзоларининг активлигини оширишга етарли даражада аҳамият берилмаётганлигидан кўз юма олмаймиз.

Район партия комитетларининг кундалик ташкилотчилик фаолиятида райкомнинг баъзи аъзолари актив қатнашмайдилар, ҳатто уларнинг айримларига конкрет топшириқлар ҳам берилмаган. Райком аъзолигига сайланган ўртоқнинг партиявий иш тажрибасига эга эмаслигини бунга сабаб қилиб кўрсатишади. Партия органига сайланган ходимларни ўқитиш, партиявий иш санъатини уларга ўргатиш, уларни назарий жиҳатдан чиниқтириш бизнинг муҳим вазифамиз эканлигини ҳамиша эсда тутишимиз зарур.

Беш йилликнинг биринчи йилида қўлга киритилаётган янгидан-янги ютуқлар съезд белгилаб берган вазифаларни амалга оширишда қўйилган дастлабки қадамдир. Область саноати беш ойлик планни муваффақиятли адо этди. Қишлоқ хўжалик ходимлари давлатга қоракўл тери, тухум сотиш йиллик планларини, гўшт сотиш ярим йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. Пиллачиларимиз баракали хирмон кўтаришди. 410 минг тонна Хоразм пахтаси учун курашда долзарб кунлар бошланди. Далаларда ва фермаларда социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида янги улкан вазифалар турибди. Тўққизинчи беш йилликнинг режаларини амалга оширишда район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларига, оммага етакчилик қилишлари, уларни буюк бунёдкорлик ишларига сафарбар этишлари керак. Бу соҳада райкомнинг ҳар бир аъзоси ўз бурчини, ўзига кўрсатилган юксак ишончни ва масъулиятни англаб, зўр ғайрат ва илҳом билан ишлаши лозим. Чунки, райком аъзоси партия қарорларининг оташин тарғиботчиси бўлиши билан бирга айни вақтда бу қарорларнинг бажарилиши учун актив, жанговар курашчи ва ижрочи ҳамдир.

VII ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛДА

Совет Иттифоқида тайёрланган «Салют, Мария» бадиий фильмини кўрсатиш Москва фестивалининг эътиборли бир воқеаси бўлди. 22 июлда бўлган матбуот конференциясига шу лентанинг авторлари, «Ленфильм»нинг ижодий ходимлари, уларнинг москвалик ҳамкасблари келишди.

Фильмнинг постановкачиси СССР халқ артисти И. Хейфиц марказий газеталарнинг бирида чиққан мақола бадиий кино асари яратилишига сабаб бўлди, деди. Бу мақолада қисмати ғоят мураккаб кечган аёл киши ҳақида гап борар эди. Бу аёл Антанта қўшинлари орасида большевистик пропаганда олиб борган, республикачилар Испаниясида жанг қилган. Улуғ Ватан уруши йилларида разведкачи бўлган.

— Аммо биз олдимизга биографик фильм яратиш вазифасини қўймадик, — деди режиссёр. — Революцион ёшлар авлодига хос ёрқин, аниқ мақсадга интилувчи, типик бир характерни кўрсатиб бормоқчи бўлдик. Георгий Бакланов иккаламиз сценарий устида икки йилдан зиёд ишлаб, замон руҳини иложи борича ҳаётий акс эттиришга ҳаракат қилдик.

«Ленфильм»нинг ана шу студиясида яратилган кўпгина асарлар жанговар революцион санъатнинг фондига кирган.

— Ҳозир студияда жуда кўп истеъдодли ижодий ёшлар ишламоқда, — деди матбуот конференциясида «Ленфильм» директори И. Киселев. У журналистларни ленфильмчиларнинг ижодий режалари билан таништирди.

(ТАСС).



СССРда энг йирик медицина марказининг лойиҳаси тасдиқланди. Унинг территориясида даволайдиган, илмий иш олиб бориладиган ҳамда таълим бериладиган медицина муассасалари қад кўтаради. Ана шу медицина марказини Москва шаҳрининг жануби-ғарбида қуриш мўлжалланмоқда. Сиз юқоридаги суратда шу медицина марказининг макетини кўриб турибсиз.

Пастдаги суратдаги янги «Украина-71» автобуси эса узоқ туристик саёҳатларга мўлжалланган. Бу автобусни Львов шаҳрининг конструкторлари яратдилар.

АПН фотолари.



ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

ЁЗГИ ДАМ ОЛИШ

Мамлакатимизда меҳнат аҳлининг дам олишини намунали ташкил этиш, уларнинг бўш вақтларидан самарали фойдаланишга эришиш — партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ҳамиша диққат-эътиборида. Ҳозир биргина бизнинг республикамизда фақат касаба союзларга қарашли 15 та санаторий ва дам олиш уйлари мавжуд бўлиб, уларда бир йўла 6 минг киши даволаниши ва ҳордиқ чиқариши мумкин. Бундан ташқари, корхоналар ва муассасалар қошида 40 та санаторий, профилакторийлар ва дам олиш уйлари ишлаб турибди.

Меҳнат аҳлининг беш кунлик иш ҳафтасига ўтиши туфайли «Октябрь 10 йиллиги», «Оби-раҳмат», «Қибрай», «Сўқоқ», «Кумушкон», «Фарғона», «Самарқанд» ва «Бурчмулла» дам олиш уйлари шанба ва якшанба кунлари айниқса, меҳнаткашлар билан ғавжум бўлиб кетади. Агар ўтган йили республикамиз санаторий ва дам олиш уйларида 125 мингдан зиёд киши даволаниб, ҳордиқ чиқарган бўлса, бу йил эса 150 мингдан зиёд киши ёзни мазмунли ва мароқли ўтказади.

Бироқ мавжуд дам олиш уйлари ва санаторияларида ўринлар сони ҳозирги кун талаблари даражасида эмас. Шунинг учун ҳам соғломлаштириш ўчоқларининг миқёсини кенгайтириш, уларда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш республикамиз партия, совет, касаба союз ташкилотларининг эътиборини кун сайин тортмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети махсус қарор қабул қилиб санаторий-курорт шохобчаларини янада кенгайтириш ва меҳнаткашларнинг оммавий дам олишини бундан буён яна ҳам яхшилаш вазифаларни қўйди.

Кейинги йилларда республикамизнинг об-ҳавоси тоза, манзарали жойларида: сунъий денгиз ва кўллар, сув омборлари ёқасида, дарё ва тоғ этакларида янгидан-янги оромгоҳлар ташкил этиляпти. Масалан, Орол, Тошкент ва Фарғона сунъий денгизлари бўйида, Чорвоқ, Чордарё, Каттақўрғон, Қуйимозор, Учқизил ва Сурхон сув омборлари қирғоқларида, Бекобод районидаги Шўркўл, Калинин районидаги «Ташминвода», Фориш районидаги «Балиқли кўл», Самарқанд областининг «Улус», «Собирсой», «Нагорная», «Баҳмал», «Оғалиқ», Сурхондарё областининг Бойсун, Фарғона областининг «Водил», «Шоҳимардон», «Қизилтепа», Наманган областининг «Косонсой», «Нанай», «Парда Турсун», «Наво» ва «Пахтали кўл», Андижон областнинг «Ширинбулоқ» каби жойларида оромгоҳлар қурилиши кўзда тутилмоқда. Фарғона водийсидаги «Чимён»да минерал сувлар запаси ғоят кўп бўлиб, бу сув ўзининг кимёвий таркиби ва шифобахшлиги билан Сочи-Моцеста сувидан сира қолишмайди. Шунинг учун ҳам бу ерда 100 ўринли кўп тармоқли курорт қуриляпти.

Ўзбекистон курортларидаги янгиликлардан яна бири — «Чортоқ», «Ботаника» ва «Чинобод» санаторияларида ўсмирлар бўлимлари очилиши бўлди. Уларда бир йўла 150 ўқувчи ва ўсмир даволанади.

Ҳозирги кунда республика курорт бошқармаси ва санаториялар бош врачлари номига юзлаб меҳнаткашлардан хатлар келиб турибди. Уларнинг илтимосини қондириш мақсадида «Чортоқ», «Ботаника», «Чинобод», «Ситора моҳи-Хоса» санаторияларида курсовкалар орқали амбулатория шаклида даволаш ташкил этилди. Бугунги кунда курсовкалар билан бир йўла «Чортоқда» 400-450 киши, «Чинободда» 30, «Ботаника» ва «Ситора моҳи-Хоса» санаторияларда эса 20 киши даволанмоқда.

Н. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Касаба союзлари курортларини бошқарувчи республика Совети раисининг ўринбосари.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

журналининг июль сонида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II пленуми материаллари кенг ўрин олган.

«КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга» рубрикаси остида Ўзбекистон КП Андижон область комитетининг иккинчи секретари А. Илюхиннинг «Жавобгарлик — талабчанлик, контроль», Ўзбекистон КП Сурхондарё область комитетининг секретари Р. Эргашевнинг «Ингичка толали пахтага кенг йўл», Тошкент халқ хўжалик институтининг аспиранти Б. Калоновнинг «Республикада газлаштиришнинг ривожланиши» сарлавҳали мақолалари босилган.

Журналнинг «Идеология иши ва ҳаёт» бўлимида Ўзбекистон КП Хоразм область комитетининг секретари Р. Жуманиёзовнинг «Партия сўзи — оммага», филология фанлари доктори Л. Қаюмовнинг «Ҳамиша халқ билан», Ўзбекистон КП Марказий Комитети агитация ва пропаганда бўлимининг инструктори А. Есиннинг «Идеология ишининг муҳим участкаси», Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар Киров район комитети методик кенгашининг аъзоси С. Яфасованинг «Пропагандист ёрдамчиси» сарлавҳали мақолалари берилган.

Массив чиройи

«Главташкентстрой» бинокорлари шаҳарликларга жуда яхши совға тайёрладилар. Янги «Шимол» уй-жой массивида умумий саҳни 36 минг квадрат метрдан ошадиган бир варакайига 14 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Сал кам 70 та оила шинам квартираларнинг калитини олди.

Шу уйлар ёнида неча ўнлаб бошқа уйлар қурилмоқда. 240 гектар ерга ёстанадиган «Шимол»нинг уй-жой фондини бир ярим миллион квадрат метрга етказиш мўлжалланади. 1980 йилга бориб бу ерда 270 минг киши яшайди. (ЎзТАГ).

ҚАЧОН ҚУРАСИЗ

РЕСПУБЛИКА ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ ДИҚҚАТИГА

Наманган марказида аҳолини иссиқ сув билан таъминлайдиган қозонхона қурилиши керак эди. Лойиҳада қозонхона биноси қуриладиган жойни механизмлар билан текислаб шиббалаш кўзда тутилган. Аммо, Наманган қурилиш бошқармасининг бошлиғи Г. Юдин шу йил 18 мартда пойдевор тагига яхлит темир бетон ётқизишни лойиҳага киритишни сўраб протокол туздирди. Бу ҳужжат дарҳол «Ўзгипрокоммунинжпроект» институтига юборилди. Институтдан эса лойиҳадан четга чиқмаслик зарурлиги ҳақида 14-715 номерли жавоб хати олинди. Чунки бетон ётқизиш кўплаб қўшимча маблағни талаб қилар эди.

Орадан ўн беш кун ўтар-ўтмас Г. Юдин яна институтга хат ёзди. Институт, турган гап, яна рад этди. Вақт эса ўтаверди. График бузилди.

Қурилиш министрлигига қарашли 10-трестга (бошқарувчиси Михаил Исаков) шу қозонхона қурилишини олиб бориш топширилган. Аммо, у пинагини ҳам бузмаётир. Унинг учун балогардон Г. Юдин.

— Пойдевор таги юмшоқ тупроқ, бетон ётқизмасак бўлмайди, — деб М. Исаков аъюҳаннос солгани-солган.

Гап шундай. Наманганда ҳар бири 20 тонналн 3 та қозон ўрнатиш керак. Бунинг учун зарур бинолар ўз вақтида қуриб битказилиши, шулардан биттаси бу йил фойдаланишга топширилиши керак. Бундан ташқари, 1,3 километр магистрал тармоқни ҳам ишга тушириш зарур. Хўш, ҳақиқий аҳвол қанақа? — 10-трест бошқарувчиси М. Исаков бошқарма бошлиғи Г. Юдин билан «Ер юмшоқ, уни шиббалайдиган механизмларнинг мазаси йўқ» деб қанчалик баҳона излашмасин, бу рўкачларнинг миси чиқиб қолди. Ҳолбуки, бизда шундай ер шиббалайдиган механизмлар борки, тупроқни ҳам тоси қилиб юборади. Бундан республика қурилиш министрлигидаги ўртоқлар ҳам хабардор. Улар Наманагандаги ҳангомалардан ҳам воқифлар. Аммо, негадир қурилишнинг пайсалга солинаётганидан ташвишга тушмаётирлар. **Ахир, ўтган олти ойлик топшириқ бир процент бажарилганлигини қандай баҳолаш керак?**

Республика қурилиш министрлигидаги ўртоқлар: «Хўп, Наманганда ишимизнинг мазаси йўқ экан, бошқа областларни нега тилга олмаяпсиз?» деб сўрашлари мумкин. Улар: «Фарғонада-чи? Урганчда ҳам аҳвол шундайми?» деб хафа бўлишлари турган гап. Чунки шу икки шаҳаргина бу борада уларнинг жонига аро кириб турибди-да! Аммо, бошқа шаҳарларда-чи? Термиз, Қарши, Бухорода... «Ҳе, бўлди-бўлди, одамни кўп шарманда қилманг!» деб министрликдаги ўртоқларнинг шошиб қолишларини ҳис этиб турибмиз. Чунки бу шаҳарларда ҳам қозонхоналар қурилиши ўлда-жўлда ётибди-да!

Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун Термиз шаҳрининг 3-микрорайонидаги қозонхоналар қурилишидан бир шингил мисол келтирайлик. Бу йил 236 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштириш белгиланган. Шу кунгача бир сўми ҳам ўзлаштирилмаганлиги ёки соддароқ айтганда қурилиш ҳалигача бошланмаганига нима деса бўлади? Учта қозон 1969 йилдан бери фойдаланилмай очиқ майдонда қолиб келмоқда. Натижада унинг баъзи деталлари занглаб, ишдан чиқди. Пировардида, улардан бирини республика коммунал хўжалиги министрлиги Андижон қозонхоналар бирлашмаси ихтиёрига беришга мажбур бўлди.

165-қурилиш трестининг бошқарувчиси ўртоқ Дихнэ қозонхона биноси қурилишини фермалар конструкциялари йўқ, деган баҳона билан чўзиб келмоқда. Бу ерда

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ҳам юқоридаги сингари сансалорлик ҳукм суряпти. Тошкентдаги 2-темир-бетон заводидан 7 та ферма конструкцияси юборилиши керак. Заводдагилар билан суҳбатлашсангиз, уни жўнатишга платформа йўқ, дейишади. Ҳолбуки, бу фермаларни жўнатиш ҳақида шу йилнинг 12 мартида ҳатто 4-635 номерли наряд ҳам ёзиб қўйилган. Аҳвол шундай давом этаверса бу йил Термизда фойдаланишга топшириш лозим бўлган қозонхона қурилишини тугаллаш қийин.

Қарши шаҳридаги манзара сал ўзгача. 4 та қозон қурилиб, фойдаланишга топширилган. Лекин... Ана шу «лекин» ошдан чиққан тошдек ғашга тегмоқда. Бу ерда ҳар бири 500 кубметр ҳажмли 2 та аккумулятор баки ҳанузгача ишга туширилмагани учун шаҳар аҳолисини иссиқ сув билан тўла таъминлаш муаммо бўлиб турибди. Аҳолини ялпи иссиқ сув билан таъминлаш учун 4 та қозон камлик қилмоқда. Иккита қўшимча бак иссиқ сувни нормаль юборишга кўмак берган бўлар эди.

Бултур, Бухоронинг иккинчи микрорайонида ҳам қиш вақтида иссиқ сув танқислиги рўй бериб жуда кўп бинолар иситилмай қолди. Гап шундаки, кўпгина уй-жой бинолари фойдаланишга топширилаётганида элеватор узеллари чала ҳолда ташлаб кетилаверади. Оқибатда қозонхоналардан белгиланган лойиҳа қуввати бўйича тўла фойдаланиш иложи бўлмайди. Бошқача айтганда қозонхонадан юқори ҳароратдаги иссиқ сув ўрнига анча паст даражада иситилган сув юборишга мажбур бўлинмоқда. Бу эса қозонхоналар қувватини уч ҳисса камайтириб юбормоқда. Бу йил ҳам Бухорода 163-қурилиш тресги (бошқарувчи ўртоқ Ражабов) айби билан иккинчи ва учинчи микрорайонлардаги кўп уйларда қозонхонадан келаётган юқори ҳароратли сувни уй-жой биноларига мослаб ҳароратни пасайтириб берадиган элеватор узеллари чалакам-чатти қурилмоқда. Бундай элеватор узелларидан амалда фойдаланиб бўлмаётир.

Шу йил бошидан буён Бухоро область партия комитети, область ижроия комитетида, шунингдек Термиз шаҳар ижроия комитетида аҳолини иссиқ сув билан таъминлаш масаласи уч-тўрт марта муҳокама қилинганига қарамай, аҳвол ҳануз ўзгармай келяпти. Ҳолбуки ҳар йили юз бераётган иссиқ сув танқислигидан бу шаҳарларнинг раҳбарлари жуда яхши хабардор. Бизнингча, аҳолини иссиқ сув билан таъминлашдек муҳим ва масъулиятли ишда оғзаки муҳокамалардан амалий ишга ўтиш вақти келди!

Маълумки, республикамиздаги қозонхоналар иши устидан «Теплохладоснабжение» ишлаб чиқариш бошқармаси назорат қилади. Бу ташкилот 1965 йилда ташкил топиб, иссиқлик ўчоқларини марказлаштирди. Шуни айтиш кифояки, бундай ташкилот Иттифоқимизда ягонадир. Ҳозир Ўзбекистонимизнинг 14 шаҳрида қозонхоналар бирлашмаси мавжуд. «Теплохладоснабжение» ишлаб чиқариш бошқармаси ана шулардан фойдаланиш ва капитал қурилиш ишлари билан шуғулланади. Бултур белгиланган 48,5 гекакалория ўрнига 31 гекакалория қувватга тенг қозонлар ишга солинди. 4,3 километр ўрнига 3,1 километр магистраль шохобчаси қурилди. «Теплохладоснабжение» бошқармаси қурилиш ташкилотларини лойиҳа-смета ҳужжатлари, молиявий ресурслар ва асбоб ускуналар билан таъминлайди. Хуллас, қозон, маблағ, ҳужжат — шу бошқармадан. Қозонхоналар қурилишига бош пудратчи қилиб республика қурилиш министрлиги тайинланган. Бу йилги планда жами 60 гекакалория қувватга тенг қозонлар ишга туширилиши ва 6,7 километр магистраль иссиқлик тармоғи қуриш кўзда тутилган. **Бунга 2 миллион 256 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Шундан 1 миллион 730 минг сўмини қурилиш-монтаж ишларига сарфлаш мўлжалланган. Ҳолбуки, бу борада ярим йиллик планнинг ярми ҳам бажарилмади.**

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигидаги айрим ўртоқларга Улуғ рус адиби И. Криловнинг машҳур «Ниначи ва чумоли» ҳақидаги масалини ёдга тушириб қўймоқчимиз. Ниначи ёз бўйи бепарво ўйнаб юриб, қиш фаслига келганда қайга борарини билмай, гангиб қолади. Охири ёз бўйи ўтин-чўп ғамлаган, қишга яхши ҳозирлик билан келган чумолидан иссиқ жой сўрайди. Шунда чумоли унга, ёзда қаерда эдинг, деб танбеҳ бергани тасвирланган эди. Дарвоқе, халқимизда қиш ғамини ёзда е, деган нақл бор. Республика қурилиш министрлигидаги ўртоқлар қозонхоналар қурилиши иши устидан тегишли назорат ўрнатмаса, бу ҳақда жон куйдирмаса, масалда тасвирланган аҳволга тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Тўғри, қурилиш министрлигидаги ўртоқларнинг ниначи ҳолига тушмасликлари турган гап. Лекин юқорида тилга олинган шаҳарлар аҳолисининг ҳоли қишда нима кечади? Саратоннинг шу иссиқ кунларида қишнинг қаҳратонини унутиб қўймаслик керак. Ахир, халқимиз «ёз ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг биласан» деб бекорга айтмаган-ку!

Ҳ. ИКРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

САРАТОН ҚИСТОВИ

РЕПОРТАЖ

Ҳарорат зўрайгандан-зўрайиб боряпти. Борлиқ саратон тандирида қизимоқда. Барқ уриб ўсаётган ғўзаларнинг қорамтир барглари чошгоҳдан сўнг ҳарорат эмиб толигандек кўринади.

— Куннинг тафти тузук, — дейди бригадир елпина-елпина, — қани энди ҳаво шундай туриб берса. Пахтанинг эрта пишиши ҳам, ҳосилнинг мўмайлиги ҳам шундан.

Бригадир айтганча бор. Саратон сувидан, саратон иссиғидан тўйиб баҳра олган ҳар қандай экин эрта етилади, ҳосили мўл бўлади.

Бўна районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Саид Иброҳимов бошчилик қилаётган бригада коллективи мана бир неча йилдирки, пахтадан юқори ҳосил кўтариб, донг таратиб келяпти. Ўтган йили ҳам, ундан аввалги йилларда ҳам шундай бўлди. Бу йил у юксак мукофот билан тақдирланди. Саид Иброҳимов ўтган беш йилликда эришган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан «Октябрь Революцияси» ордени билан мукофотланди. Бу мукофот уни янги-янги зафарларга қанотлантирмоқда. Бригадир бу йил ҳам катта маррани кўзлаб турибди.

— Ваъдамиз-ваъда, 40 центнердан пахта берамиз, — дейди у.

Бригадага қарашли 110 гектар майдонда ўстирилаётган ғўзанинг шу кунлардаги авжи ҳам бригадирнинг чамасини тасдиқлаб тургандай. Пайкалларда кўчат бут, ҳосил нишоналари ҳар бир деҳқонни қувонтиради.

Колхознинг бу юқори ҳосилли бригадасида бўлган киши миришкор деҳқонларнинг айни шу кунларда, саратон кезида ғўзаларни мириқтириб суғоришаётганини, зараркунандаларга қарши курашилаётганини, кўчатларни ўғитга тўйдирилаётганини кўриши мумкин. Чунки саратонда экинни тўйдирган ҳар бир деҳқон кузда катта хирмон кўтаради.

Колхозда бундай пешқадам бригадалар кўп. Улар хўжаликнинг ютуғига ютуқ қўшиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Колхознинг азамат деҳқонлари бу йил она-Ватаннинг «оқ олтин» хирмонига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳосил етказиб бериш учун қураш олиб бормоқдалар. Чунки улар мамлакат учун пахтанинг нечоғли зарур эканлигини яхши тушунадилар. Хўжалик пахтакорлари ҳозир ҳар гектар ердан 33,5 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлаб ишлашяпти. Аслида эса улар планда кўрсатилгандан 24,5 центнердан пахта етиштиришлари лозим. Демак, пландан ташқари ҳар гектар ердан камида 9 центнердан пахта беришмоқчи. Бундай олиҳиммат пахтакорларни эл-юрт олқишлайди.

Хўжалик механизаторлари ҳам ҳосил пишишини кутиб маҳкам бел боғлаб туришибди. Негаки, улар бу йил ҳосилнинг 90 процентини машиналарда йиғиб олишга аҳд қилишган. Ҳозир колхоз ихтиёридаги ҳамма терим машиналари мавсумга тахт қилиб қўйилган.

Бу улкан хўжаликда йилдан-йилга муттасил мўл ҳосил олинаётганлигининг «сири» бор. Бу «сир» шундаки, хўжаликда экинларни almашлаб экишга қатъий риоя қилиб келинмоқда. Пахтадан чарчаган ерлар аниқланиб, бедапояларга алмаштирилади, маккажўхори экилади, чорва учун озуқабоп лавлаги, судан ўти ўстирилади.

Хўжалик учун бундай экинлар ҳам зарур. Чунки жамоат чорвачилигини ривожлантириш масаласи шу куннинг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Бу соҳада хўжаликнинг озуқа экинлари бўйича бригадири Қурбон Қаниевнинг жонбозлиги ибратлидир. Мўл-кўл озуқабоп экинларни етиштиришда бу меҳнаткаш, жафокаш инсон катта тажриба орттирди. Колхоздаги чорва учун етарли миқдорда озуқа тайёрлаб беришда моҳир деҳқоннинг хизматлари катта. Негаки, ҳозирги кунда ҳар бир хўжалик пахта билан бир қаторда гўшт ҳам етиштирсин, деган шиор ташланган. Бу шиор «Октябрь 40 йиллиги» колхози коллективининг ҳам жанговар шиори, юксак аҳду-паймони бўлиб қолган.

Ҳа, далаларда саратон ҳарорати ҳукмрон. Саратон яллиғи пайкаллардаги экинларни етилтирмоқда, ҳосилга-ҳосил қўшмоқда. ЎзТАГ фотомухбири Р. Шамсутдинов олган бу суратларда колхознинг юқори ҳосилли бригадаси бошлиғи Саид Иброҳимов (ўнгда) билан колхоз раиси Юнус Тўлаганов, шунингдек, ем-хашак тайёрлаш бригадасининг аъзоси Абдураҳмон Ёқубовларнинг пайкаллардаги экинларнинг кўздан кечираётганлари кўрсатилган.

Ўтган йили Бўка райони пахтакорлари Тошкент областида биринчи бўлиб планни бажардик, деб рапорт берган эдилар. Улар бу йил ҳам маррага биринчилар қаторида етиб боришга аҳд қилишган. Бу курашда «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг азамат пахтакорлари ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар.

Я. ТЎХТАЕВ.

КАТТА ХИРМОН ТАШВИШЛАРИ

ЛАВҲА

Қундузхон опа бошлиқ бригада пайкалларини кўздан кечирдигу бригадирнинг гаплари тўғрилигига ишонч ҳосил қилдик.

— Ғўзанинг авжи яхши, — деган эди Қундузхон Иброҳимова. — Ўтган йилгидан ўн беш-йигирма кун эрта етиляпти.

«Ғўза кун санайди» дейишади деҳқонлар. Ҳа, ғўзанинг яхши ҳосил бериши учун маълум иссиқ кунлар керак. Лекин мўл ҳосилнинг тақдири деҳқон қўлида, парваришга, ишловга боғлиқ. Ғўза авжининг ўтган йилгидан ўн беш-йигирма кун илдамлиги эса деҳқонга қўш қувонч бағишлайди. Нега десангиз, ўтган йилларда баъзи пахтакорлар юрак олдириб қўйишди. Вилт деган бало қанчадан-қанча ҳосилга путур етказмади. Умид билан тер тўккан деҳқон ҳосилга, меҳнатига ачинмайди, дейсизми?

Ғўза серавж бўлса, вилт ўзини кўрсатгунча ҳар тупда етарли ҳосил тўпланган, кўсаклар етилиб қолган бўлади, вилтнинг хирмонга зарари анча камаяди. Қундузхон опанинг хурсандчилиги шундан.

«Ленинград» колхозининг пахта майдонлари нисбатан кам бўлса-да, Москва районидаги юқори ҳосилли хўжаликлардан бири. Ўтган йили катта-катта майдонлар вилт билан зарарланганига қарамай, гектаридан 31 центнердан ҳосил олинди. Колхозчилар бу йил 35 центнерлик маррани кўзлашяпти. Қундузхон опа бошлиқ пахтакорлар эса йил бошидан 40 центнерлик маррани эгаллашни мақсад қилиб қўйишган.

Яхши ният — ярим мол, дейди халқимиз. Астойдил меҳнат қилган одам ниятига етмай қолмайди. Кўп йиллардан буён бешинчи бригадада сувчилик қилиб, ерларнинг баланд-пастини-ю ғўзанинг табиатини яхши билиб олган Ўринбой Қурбонов район сувчилар мусобақасида кўчма вимпелни қўлга киритиб, мукофотга ғилам олган экан, унинг асл мақсади ана шу мукофот эмас, балки хирмонга барака киритишдир. Уста сувчи унвонини олган Одилжон Бўриев ҳам олинган мажбурият бажарилишини кўзлаб ҳар куни 3,5-4 гектар ерга сув тараяпти. 7-бригада сувчиси Абдужамбил Эркинов эса бир қарич ерга сув чиқмай қолса, бир туп ғўзанинг ҳосили камайиб кетишигина эмас, мусобақадоши механизатор Абдусаттор Эргашевнинг ўша ерга кўзи тушмай қолмаслигини яхши биларди.

Хуллас ҳамманинг фикризикри мўл ҳосилда. Катта хирмон учун қураш эса бир дақиқа тўхтамайди.

Қундуз колхоз раҳбарларини топа олмаган эдик. Улар билан дала шийпонида учрашиб қолдик.

— Боротжон билан бирга семинар-кенгашга борган эдик, деди колхоз раиси Исмоилжон Иброҳимов. Ҳозир етиб келдик.

— Қандай семинар?

— Сенаж тайёрлаш бўйича. Область семинари.

— Қалай, яхши ўтдими?

— Ҳа, кўп нарса ўргандик, — деб суҳбатга қўшилди партком секретари Борот Тожибоев. — Умуман олганда чорвачилик тўғри йўлга чиқиб олди. Бизда чорвачилик — рентабелли тармоқ. Гўшт, тухум тайёрлаш йиллик планлари бажарилди. Сут етиштиришда икки ой олдинда боряпмиз. Энди ҳамма гап пахтада. Бу соҳада режаларимиз бироз бузилиб турибди.

— Пахта яхши-ку! ҳар тупида уч-тўрттадан кўсак санадик.

— Гап бошқа ёқда, — деди раис. — Бултур гектаридан 31 центнердан пахта олдик. Аммо ҳар центнерининг таннархи 34 сўмга чиқиб кетди. Бу йил ўн сўм камайтириш ниятимиз бор.

Колхозимизда 605 гектар пахта майдонининг 300 гектари машина теримига ажратилган. Бу ерларда бирорта бегона ўт йўқ. Тўртта терим машинаси тахт. Яна иккита «зангори кема» сотиб олиш учун пул ажратилган.

Бу йил машина терими плани алоатта бажарилади. Лекин келажакда... Узингиз кўргандурсиз, ярим гектарли пайкалларимиз бор. 700 гектар экин майдони 300 та картадан иборат. Уватлардаги тут дарахтлари 50 гектарча майдонни эгаллаб турибди. Ҳозир тутзорлар барпо қиляпмиз. Пахтачиликни комплекс механизациялаш учун картаналарни кенгайтиришимиз керак.

Дала шийпонидаги суҳбатни телефоннинг жиринглаши бўлди. Раис трубкани олди.

— Район партия комитетидан. — деди у қайтиб келгач. — Районда чеканкани сифатсиз ўтказиш ҳоллари бормиш. Қаттиқ назорат қилишни сўрашяпти. Айниқса машина теримига ажратиляган пайкалларда — у Борот Тожибоевга юзланди. — Биринчи-тўртинчи бригадаларга сиз борсангиз.

— Жуда яхши, 4-бригада коммунистлари билан суҳбатлашмоқчи эдим.

— Ён шоҳларига эътибор беринглар. Чеканка қилинмаган шоҳи қолмасин.

Колхозда эртанги кун ташвишлари бошланган эди. Бу мўл ҳосил ташвиши, катта хирмон ташвиши эди.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

ВЕНГЕР РЕЖИССЁРИНИНГ «ЎЗБЕК РАПСОДИЯСИ»

Москва халқаро кинофестивалида қўжжатли ва қисқа метражли фильмлар кўриги таниқли венгер режиссери Йозеф Кишнинг «Юз йиллик» лентасини томоша қилиш билан очилди. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган бу лента республикамизнинг ўтмиши ва ҳозирги куни тўғрисида ҳикоя қилади. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон қандай ўзгарганлигини, ўзбек халқи улуғ Ленин ғояларини рўёбга чиқариб, қандай муваффақиятларга эришганлигини кўрсатади.

Шу кунларда Будапешт экранларида Йозеф Кишнинг Ўзбекистонга бағишланган яна бир лентаси намойиш қилинмоқда. Бу фильм «Ўзбек рапсодияси» деб аталади. (ЎзТАГ).

Сами АБДУҚАҲҲОР

ЯНГИ ҲАЖВИЯЛАР

ЭР-ХОТИН

Эр-хотин шу оқшом театр
бориб,
Ярим кеча уйга келишди қайтиб.
Хотин пальтосини ўзи ечаркан,
Эрга улоқтирди шу сўзни айтиб:
— Бошқа эрлар каби
ёрдамлашмайсиз,
Уни ўзим ечдим, Манг, илиб
қўйинг!
Ҳижолат чекиб эр деди
қизариб:
— Узр, тавба қилдик...
Ҳа... билиб қўйинг!
Вешалкага илмоқ бўлди
пальтони,
Афсуски, йўқ экан илгак боғичи.
Эр ҳам улоқтирди уни хотинга:
— Боғич кўрмабди-ку пальто
қиш ичи!..

ЭНГ УЗОҚ ЧАПАК...

Завод клубида лекция борар,
Залда ола-говур тинмасди
бир дам.
Шу чоқ лекцияга хийла
кеч қолиб,
Аста кириб келди серсавлат
одам.
Белда энлик камар, духоба
дўппи,
Бароқ қош, тепакал, юзи-чи
баркаш.
Дамба-дам кулишар
ёнидагилар,
Табиати қувноқ, экан
ҳазилкаш...
Қулоқ солиш қайда дейсиз
нотиққа,
Лектордан кулади, қилади
мазах...
Бурнини жийириб, юз ўгиради,
Ҳар сўзини тескари қиладн
изоҳ!
— Ким қўйибди унга ақл
сотишни,
Қаранг, қоғоздан ҳеч узмайди
кўзин!
Насиҳатгўйлиги устига яна
Роса резинкадай чўзади сўзин!..
— Латта чайнашлик ҳам эви
билан-да, —
Бас! деди босолмай қолиб
ўпкасин.
Ёнда ўтирганлар шипшиди
дарҳол:
— У... директоримизнинг...
кенжа укаси!..
Шу сўзни эшитиб савлатли
одам,
Дами чиққан шардай бўшашди,
сўлди...
Аммо-чи, лекция тугагани он,
Энг узоқ чапаклар шуники
бўлди!..

БИР ОШХОНАДА

Тушлик пайти келиб бир
ошхонада
Овқат ердим, карнай эди
иштаҳам.
Шу чоқ менга овқат келтирган
қизни
Буфетчи имлади — гап кўп
ишда ҳам...
Иккиси сўзлашар суҳбат авжида
Ўртада шундай гап-сўз бўлиб
ўтди:
— Ҳув, кўзойнакка боқ! —
дерди Буфетчи, —
Ҳисоб қилганингда қоқмагин
чўтда!..
— Нега, нима учун, сизга
танишми! —
Сўради қиз ҳайрон қолган
бир қуйда.
— Менга таниш эмас, аммо,
ўтган кун,
Трест Бошлиғимиз кўрдим
уйида!..

Чингиз АЙТМАТОВ

ОҚ КЕМА

ҚАРДОШ ЕЗУВЧИЛАР ИЖОДИДАН

Болалар зор қақшаб, ҳўнграб йиғларди. Тик қирғоқдан пастга қараш қанчалик даҳшатли эканлигини сезган бир пайтда кампирнинг сўзи уларнинг қулоғига ҳам кирмасди. Пастда эса қутурган тўлқинлар сапчийди.

— Қучоқлашинглар, болалар, охирги марта хайрлашиб олинглар, — деди чўтир юзли Баймоқ кампир. Ўзи эса уларни жарга иргитиш қулай бўлсин деб енгларини шимарди. Кейин шундай деди:

— Энди мени кечиринглар, болалар. Тақдир шундай экан. Мен буни ҳозир ўз ихтиёрим билан қилаётган бўлмасам ҳам, лекин сизларнинг бахтингизга...

У энди шундай деган ҳам эдики, ёнгинасидан бир овоз келди:

— Тўхта, доноларнинг оқиласи, гуноҳсиз болаларни жувонмарг қилма.

Чўтир юзли Баймоқ кампир қайрилиб қаради-да, ҳайратда қолди: қаршисида ғаройиб она буғи турарди. Унинг йирик-йирик кўзлари таъналы ва ғамгин боқарди. У биринчи туққан она буғининг оғиз сути каби оппоқ, танаси қўнғир юнг билан қопланган. Шохлари бўлса санъат асарининг ўзи: сербутоқ, гўё кузги дарахтнинг бир гўзал шохи. Елиғи эмизакли аёлнинг кўкрагидек топ-тоза ва силлиқ эди.

— Кимсан? Нега бундай одамсимон гапиряпсан? — сўради чўтир юзли Баймоқ кампир.

— Мен она-Буғиман, — жавоб берди у. — Шунинг учун одамсимон гапирдимки, бўлмаса сен тушунмайсан, қулоқ ҳам солмайсан.

— Нима истайсан, она-Буғи?

— Қўйиб юбор болаларни, доноларнинг доноси. Сендан илтимос, уларни менга бер.

— Нимага керак улар сенга?

— Одамлар менинг икки эгизимни, икки буғи боласини ўлдиришди. Мен ўзимга бола изладим.

— Сен буларни боқмоқчимисан?

— Ҳа, доноларнинг доноси.

— Сен яхшилаб ўйлаб кўрдингми, она-Буғи? — мас-хараомуз қулди чўтир юзли Баймоқ кампир. — Булар, ахир одам боласи-ку. Булар катта бўлишади, кейин сенинг болаларингни ўлдиришади.

— Улар катта бўлишса, менинг болаларимни ўлдиришмайди, — жавоб қилди унга она-Буғи, — мен уларга она бўламан, улар эса — менинг болаларим. Ахир, улар ўз ака-укаларини ўлдиришадими?

— Эҳ, нимасини айтасан, она-Буғи, сен одамларни билмайсан, — бош тебратди чўтир юзли Баймоқ кампир. — Улар ўрмон ҳайвонларигагина эмас, ҳатто ўз-ўзларига ҳам раҳм-шафқат қилишмайди. Бу етимчаларни сенга берардим, шунда менинг сўзларим қанчалик ростлигига ўзинг гувоҳ бўлардинг, лекин одамлар барибир сенинг қўлингдан олиб бу болаларни ўлдиришади. Бунча ғамнинг сенга нима кераги бор?

— Мен болаларни узоқ ўлкаларга олиб кетаман, у ердан болаларни ҳеч ким қидириб тополмайди. Болаларга раҳм қил, доноларнинг доноси, қўйиб юбор уларни. Мен уларга садоқатли она бўлайин. Елиғларим тўлиб турибди. Сутим болаларни деб оқиб кетяпти. У болаларга интизор.

— Ҳа майли, ундай бўлса, — деди охири чўтир юзли Баймоқ кампир ўйлаб туриб, — буларни тезроқ олиб жўна. Етимларни узоқ юртингга олиб кет. Агар улар узоқ йўл юриб толиқиб ҳалок бўлса ёки дуч келган қароқчилар ўлдириб кетишса, ёки бўлмаса бу одам болалари сенинг ҳузилингинга ёмонлик билан жавоб қайтаришса — ўзингдан кўр.

Она-Буғи чўтир юзли Баймоқ кампирга миннатдорчилик билдирди. Бола билан қизга эса:

— Энди, мен сизларнинг оналарингман, сизлар эса менинг болаларим, — деди. Сизларни узоқ юртга, қорли тоғ ва дарахтзорлар қўйнига жойлашган илиқ денгиз — Иссиққўлга олиб кетаман.

Бола ва қизча шодланиб, шохдор она-Буғи ортидан чопқиллаб кетишди. Лекин аста-секин чарчаб, ҳолдан тойишади, йўл эса чексиз — дунёнинг бу четидан у четига чўзилган. Она-Буғи болаларни ўз сути билан боқиб, кечалари бағрига босиб иситмаганда улар ҳеч қаергa ҳам етолмас эди. Улар узоқ юришди. Она юрт бўлмиш Энасой тобора ортга чекиниб борар, лекин янги ватан бўлмиш Иссиққўлга ҳали жуда узоқ эди. Йўл юрса ҳам мўл юришди. Ёз-у қиш, кўклам-у ёз ва куз, яна ёз-у қиш, яна баҳор, яна ёз ва куз қалин ўрмонлардан, жазирама чўллардан, кўчма қум саҳроларидан, баланд тоғлардан, ҳайкириб оққан дарёлардан не машаққат билан ўтишди. Уларнинг изидан бўрилар галаси қувди, шохдор она-Буғи эса болаларни миндириб, ёвуз йиртқичлардан қутқариб кетди. Уларнинг изидан тушган отлиқ овчилар ўқ узиб, қичқиришарди: «Буғи одам боласини ўғирлаб кетяпти! Ушла! Тут!» — дея кетма-кет ўқ узишарди. Шохдор она-Буғи болаларни опичиб, ғизиллаб учаётган ўқларга, чақирилмаган қутқарувчиларга етказмай борарди. У ўқдан кўра тезроқ чопар ва фақат шивирларди: «Маҳкамроқ ушланглар, болаларим, — бизни босқинчилар қувяпти!».

Охири шохдор она-Буғи ўз болаларини Иссиққўлга етказиб келди. Улар тоғ тепасида туриб, ҳайратланишарди. Чор атроф қорли тоғлар билан қопланган, тоғлар ўртасида кўм-кўк ўрмон, кўз илғаган ҳамма жойда денгиз чайқалиб шовуллаб турарди. Кўм-кўк сув юзида оппоқ тўлқинлар югуришар, шамол уларни узоқлардан ҳайдаб келиб, яна йироқларга ҳайдаб кетарди. Иссиққўл қайдан бошланиб, қайда тугайди — билиб бўлмасди. Бир чеккасида қуёш бош кўтарса, иккинчисида ҳали тун пардасини йиғиштиролмасди. Иссиққўлнинг чор атрофини қанча тоғ қуршаб олган — санаб бўлмасди, у тоғлар ортида яна шунга ўхшаш қанчадан-қанча қорли тоғлар бўй чўзиб турибди — буни ҳам билиб бўлмасди.

— Мана шу янги ватанингиз бўлади, — деди шохдор она-Буғи. — Мана шу ерда яшайсизлар, ер ҳайдайсизлар, балиқ тутасизлар, молу ҳол қиласизлар. Минг йиллар тинч-тотув яшанглар. Ҳа, сизларнинг авлодингиз яшайди, кўпаяди. Сизлар келтирган тилни ҳам авлодлар унутишмайди. Уларга ўз она тилларида сўзлаш ва куйлаш қандай ёқимли бўлади. Инсонлар қандай яшаши лозим бўлса, шундай яшанглар. Мен эса сизлар ва сизларнинг болаларингизнинг болалари билан ҳамиша бирга бўлай...

Шундай қилиб, бола ва қизча қирғиз авлодининг сўнгги давомчилари сифатида мангу жаннатмакон Иссиққўлда ўзларига янги ватан тондилар.

Вақт тез ўтиб бораверди. Бола бақувват йигит бўлди, қизнинг бўйи етди. Шунда улар қозушиб, эр ва хотин бўлдилар, шохдор она-Буғи эса Иссиққўлдан кетиб, яқин ўртадаги ўрмонда яшай боshлади.

Бир кун тонг маҳали Иссиққўл қўққисдан пишқириб, шовуллай бошлади. Аёлни тўлғоқ тутиб, азоблanмоқда эди. Эр эса чўчиб кетди. Қоя устига чопиб чиқди-да, қаттиқ чақира бошлади:

— Қаердасан, шохдор она-Буғи? Иссиққўл қандай шовқин соляпти, эшитмаяпсанми? Сенинг қизинг туғяпти. Тезроқ кел, шохдор она-Буғи, бизга ёрдам қил...

Шунда узоқдан худди карвонларнинг қўнғироғидай жарангдор товуш эшитилди. Бу товуш тобора яқинлашиб кела берди. Шохдор она-Буғи етиб келди.

У шохлари билан бандидан кўтарганча бешик келтирди. Бешик оппоқ қайиндан ясалган бўлиб, бандида кумуш қўнғироқча жаранглаб турарди. Бу қўнғироқ Иссиққўл бешикларида ҳозиргача ҳам янграб турибди. Оналар бешикларни тебратар, кумуш қўнғироқ жаранглар, сўё шохдор она-Буғи узоқлардан чопиб, шошиб, шохлари устида қайиндан ясалган бешик кўтариб келаётгандай туюлади...

Шохдор она-Буғи етиб келди-ю, шу пайт хотиннинг ҳам кўзи ёриди.

— Бу бешик сизларнинг тўнғичларингиз учун, — деди шохдор она-Буғи. — Ҳали кўп фарзанд кўрасизлар. Етти ўғил, етти қиз!

Ота-она хурсанд бўлишди. Тўнғич фарзандларини шохдор она-Буғи шарафига — Буғибой деб этишди. Буғибой ўсиб-улғайди, қипчоқлар авлодидан бўлган гўзал қизга уйланди ва Буғибой авлоди — шохдор она-Буғи авлоди кўпая боshлади. Буғибой, авлодлари Иссиққўлда кўп ва кудратли авлод бўлиб қолди. Бу авлод шохдор она-Буғига муқаддас деб қарашарди. Буғибой авлодларининг ўтовида эшик тепасига буғи шохи осиб қўйилар, бу эса, узоқ-узоқлардан ҳам ўтовнинг Буғибойлар авлодига мансуб эканлигидан дарак бериб турарди. Боскинчи душманларни даф этганда ёки пойга мусобақаларида Буғибой авлодларини «Буғи!» деган битта лақабнинг ўзиданоқ англаб олишар ва улар ҳар доим ғолиб чиқишарди. Ўша кезлар Иссиққўл ўрмонларида эса оппок шохдор буғилар юришарди, ғўзалликда ҳатто кўкдаги юлдузлар ҳам уларга рашк қилишарди. Улар шохдор она-Буғининг болалари эди. Уларга ҳеч ким тегмасди, ҳеч ким ҳуркитмас эди. Буғибой авлодлари буғига дуч келган жойда отдан тушиб, унга йўл берарди. Севикли қизларни сулувликда ғўзал, оқ буғига қиёс қилишарди...

Буғибой авлодининг ошиб-тошиб кетган машҳур бир бой киши то ўлгунга қадар шундай одат сақлаган эди. Унинг минг-минглаб қўйлари, минг-минглаб йилқилари бўлиб, молларига қарайдиган қанча-қанча чўпонлар ҳам унинг измида эди. Ғиллари унга улкан маъракa қилишди. Улар бу маъракага ер юзининг ҳамма маълум ва машҳур кишиларини чақиришди. Меҳмонлар учун Иссиққўл қирғоғига бир минг бир юзта ўтов тикдилар. Қанча мол сўйилди, қанча қимиз ичилди, қанчалаб қашқарча ноз-неъматлар берилди, саноғига етиб бўлмасди. Бойнинг ўғиллари гердайиб юришарди: отадан қанчалик бой ва туганмас мерос қолганлигини, фарзандлар отани қандай ҳурматлаб, унинг хотирасини қандай эъзозлашларини одамлар кўриб қўйсин... («Э-э, болагинам, одамлар ақл ўрнига бойлигини кўз-кўз қилишса, бу қандай ярамаслик»).

Марсия айтувчилар эса, марҳумнинг ўғиллари тақдим этган арғумоқларда елиб, совғага берилган сувсар телпак ва шойи тўнларга ўралиб, марҳум ва унинг меросхўрларини кўкларга кўтариб мақташарди.

Донг таратган маъракa кўп кунлик байрамдай ўтди. Бойнинг шуҳратпараст ўғиллари бошқаларни лол қолдиришни ва бутун ер юзидан одам чақириб, ўзлари ҳақидаги шов-шувнинг ер юзи бўйлаб таралишини орзу қилишганди. Яна бунинг устига, улар ота қабрига буғи шохини ўрнатишни ўйлаб топдилар: уларнинг бу ерда мангу уйқуга чўмган шавкатли бобо-колонлари шохдор она-Буғи авлодидан эканлигини кўрганлар дарҳол билиб олсин. («Э-э, болагинам, қадимги одамлардан қолган гап бор: бойлик — такаббурликни, такабурлик эса — телбаликни туғдиради»).

Бойнинг ўғиллари ота хотирасига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёдгорлик ўрнатишни исташгани учун ҳам ҳеч нима уларга тўсқинлик қила олмади. Айтилган сўз — отилган ўқ. Овчиларни ёллашди. Овчилар буғи отиб, шохини танасидан айиришди. Буғи шохларининг тепага таралиб туриши кўкда парвоз қилаётган бургутнинг қанотларига ўхшарди. Буғи шохлари ўғилларга ёқиб тушди: уларнинг ҳар бири ўн саккиз бутоққа бўлинган — демак, ўн саккиз ёшда экан. Яхши! Улар шохни қабр устига ўрнатиш учун усталарга фармон беришди.

Қариялар ҳайратда қолишди:

— Буғини ўлдиришга нима ҳақларинг бор? Шохдор она-Буғи авлодига қўл кўтаришга ким журъат этди?

Бойнинг меросхўрлари уларга жавобан:

— Биз ўз еримизди буғини ўлдирдик. Бизнинг салтанатимиздаги ерларда нимаики қимирлаган, тирик жонзоти бўлса, пашшадан тортиб туягача — ҳаммаси бизники. Ўзимизга қарашли жамики нарсаларни нима қилиш-қилмасликни ўзимиз яхши биламиз. Иўқолинглар!

Хизматкорлар қарияларни қамчи билан савалаб, отга тескари ўтказишди-да, сазойи қилиб ҳайдашди.

Ҳамма бало шундан бошланди. Шохдор она-Буғи авлодларининг бошига катта бахтсизлик тушди. Деарли ҳар бир киши ўрмонларда оқ буғиларни овлашга тутиниб кетди. Буғибой авлодидан бўлган ҳар бир киши ўз аждодлари қабрига буғи шохи ўрнатишни бурч деб биларди. Бу иш энди марҳумлар хотирасига бўлган муқаддас вазифа, алоҳида ҳурматга айланди. Кимки, буғи шохларини тополмас экан, энди уни одам ўрнида санамай қўйишди. Буғи шохлари билан савдо қилиш, уларни олдиндан ғамлаб қўйиш одат тусига кириб қолди. Шохдор она-Буғи авлодлари орасида шундай кишилар пайдо бўлдики, улар буғи шохларидан ўлжа йиғишни ва пуллашни ҳунар қилиб олдилар. («Э-э, болагинам, пул ҳукмрон бўлган жойда эзгу сўзга ўрин йўқ, ғўзалликкa ўрин йўқ»).

Иссиққўл ўрмонларида буғилар учун қирғин келган кезлар боshланди. Уларга шафқатсиз бўлишди. Буғилар қадам етмаган жойларга қочдилар, лекин у ерда ҳам буғиларни қўйишмади. Овчилар уларга қувловчи тозиларни қўйиб, пистирма томон ҳайдашар, ўзлари эса пистирмаларда беркиниб етиб яқинлашган буғиларни бехато отиб олишарди. Буғиларни уруғи билан қуритишди, уларни тўда-тўдаси билан қиришди. Шох бутоқлари энг кўп бўлган буғини ким отарга ғаров боғлашарди.

Буғилар ғойиб бўлишди. Тоғларни тарк этишди. На тунда, на тонгда буғи овози эшитилади. На ўрмонда, на яйловда унинг қандай иргишлаб, қандай сапчишларини, шохларини елка устига ташлаб, парвоздаги қушдай жарликлардан қандай сакраб ўтишларини энди ҳеч ким кўрмасди. Бутун умри бўйи буғи нима эканлигини кўрмаган янги инсонлар туғилди. Фақат у ҳақдаги эртакларни эшитиб, қабрлар устидаги шохларини кўришди, холос.

Шохдор она-Буғига нима бўлди?

У одамлардан ранжиди, жуда қаттиқ ранжиди. Айтишларича, сон-саноқсиз ўқлар ва тозилар дастидан буғиларга кун қолмаган, уларнинг энг сўнгги авлоди бармоқ билан санарли даражада оз қолган чоғда шохдор она-Буғи энг баланд чўққига кўтарилиб, Иссиққўл билан видолашибди ва сўнгги болаларини улкан довон ортига, бошқа юртларга, бошқа тоғларга бошлаб кетибди.

Мана оламда қандай ишлар бўлади. Мана эртак ҳам тугади. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма.

Шохдор она-Буғи эса энди ҳеч қайтиб келмаслигини айтиб кетибди...

Русчадан А. РАШИДОВ таржимаси.

(Давоми. Боши газетамизнинг 23 июль сонида босилган).

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРИМИЗ ДОВРУҒИ

СССР ХАЛҚЛАРИ V СПАРТАКИАДАСИ

МИЛЛИОНЛАР МУСОБАҚАСИ

(Штатсиз мухбиримиз М. Бобохонов Москвадан хабар қилади

Бугунги кунда спорт мусобақаларининг маркази бўлиб турган Москвада об-ҳаво бирмунча ўзгариб турибди. Лекин вақти-вақти билан ёмғир ёғиб туриши спортчиларимизга маъқул тушяпти, чоғи. Муҳлислар ҳам ёғингарчиликка қарамай стадионлар, манежлар, спорт саройларини тўлдириб ўтиришибди.

Бу ҳафта мусобақаларида волейболчиларнинг ўзаро куч синашишлари айниқса эътиборга сазовор бўлди. Волейбол бўйича республикамиз терма командаси асосан Тошкентнинг автомобилчи қизларидан иборат экани ҳаммага маълум. Олий лига аъзоси деган шарафли номга биринчи марта сазовор бўлган Ўзбекистоннинг дастлабки бу командаси олишувлари ишқибозлар ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлмоқда. Спортчи қизларимиз саралаш ўйинларини кетма-кетига ғалаба билан бошлашди. Командамиз белоруссиялик, эстониялик дугоналарини мағлубиятга учратгач, қардош қирғизистонлик тенгқурларини ҳам 3:1 ҳисобида енгиб, ғолиб келишди. Волейболчиларимиз катта мусобақада ўзига хос довруғ таратаётган ғолибона юришларини давом эттириш ва шарафли олтиликдан ўрин олиш учун яна икки команда — Озарбайжон Туркманистон спортчилари билан беллашишлари керак бўлади. Бу ўринда ҳозирча озарбайжонликлар ҳам ана шу биринчи олтиликка кириш ва финал ўйинларида куч синашиш учун даъвогарлик қилишяпти.

— Командамиз аъзолари ҳужумкорлик руҳида ўйнашни давом эттиришади, — дейди «Автомобилист» командаси капитани олимпиада ўйинлари совриндори Вера Дуюнова. — Лекин олдинда масъулиятли учрашувлар ҳам бор. Кураш албатта шиддатли ва кескин бўлади. Бизнинг вазифамиз эса бор куч-маҳоратимизни ишга солиб, қимматли очколарни қўлга киритиш йўлида абжирлик билан ҳаракат қилишдир.

Волейболчи йигитларимизнинг омадлари юришмаяпти. Улар москвали답лардан 0:3 ҳисобида енгилиб, иккинчи марта мағлубият аламини тортишди.

Эркин кураш усталари — полвонларимизнинг «жанглари» ҳам диққатга сазовор бўляпти. Биринчи тур беллашувида республикамизнинг ўн вакили қатнашди. Спортчиларимиз ўн имкониятдан етти ғалабани қўлга киритиб, қувончли натижага эришдилар. Унда курашчиларимиздан Қўлдош Асрақулов, Александр Недорезов, Анвар Абдураҳмонов, Георгий Дзахсоров, Александр Истомин, Владимир Орлов ва Петр Харитоненколарнинг олишувлари айниқса ҳаяжонли бўлди.

Замонавий беш кураш бўйича мусобқалар ниҳоясига етди. Мусобақанинг бешинчи тури — енгил атлетика кроссида командамиз 12-ўринни олди. Умумкоманда ҳисобида эса 13.411 очко билан еттинчи бўлишди. Боксчиларимизнинг дастлабки қадами ғолибона. Биринчи бўлиб қўлқоп кийган Абдулла Қодирохунов рақиби ленинградлик чемпион А. Сорокин билан беллашиб устун келди.

Спартакиадада республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилиш учун кураш қизғин давом этмоқда. Тўпланган очколар 94 тага етди. Уйлаймизки, боксчиларимиз, сузувчи ва волейболчиларимиз, қиличбоз ва чавандозларимиз ҳам терма командамиз ҳисобига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

26 ИЮЛЬ — ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.15 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Мультфильм. 19.25 — Ахборот. 19.40 — Ҳарбий мемуарлар. **Узбек тилида:** 20.00 — Ахборот. 20.15 — Оламда нима гап? 20.45 — Рубоб тароналари. 21.30 — Ҳосилни фақат машиналарда териб оламиз. 22.10 — ВАДИМ (телеспектакль).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — «Звезда Востока» журнали саҳифаларида. 19.00 — МОСКВА. 20.00 — Янгиликлар. 20.10 — Телеспектакль. 21.00 — Янгиликлар, 21.05 — СССР халқларининг V спартакиадаси, 22.00 — Концерт, 22.25 — Театр ҳақида суҳбат.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

27 ИЮЛЬ — СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Қўғирчоқ театри, 19.45 — Ахборот, 20.00 — Сунъий денгиз яратувчилар. **Узбек тилида:** 20.30 — **Комилжон Иброҳимов** куйлайди. 21.15 — Ахборот, 21.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари университети, 22.00 — Телефильм, 22.50 — **«ЕРҚИН ҲАЕТ».**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Телепостановка, 19.00 — МОСКВА. 19.45 — Ҳужжатли фильм, 20.05 — Янгиликлар, 20.15 — Украинанинг музикали саломи, 20.45 — Инсон ва қонун, 21.00 — Янгиликлар, 21.05 — **Нодонлигим тарихи** (бадиий фильм). 22.30 — Саҳна усталари билан учрашувлар. РСФСР халқ артисти **Д. Журавлев**, 23.30 — Телефильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. 20.30 — **Княжна Мэри** (бадиий фильм), 22.00 — Фильм-концерт.

28 ИЮЛЬ — ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Ахборот, 18.10 — Қувноқ пионер ёзи, 18.45 — Миллионлар ленинча университети, 19.00 — Рақслар гулдастаси. **Дилбар Фаёзова**, 19.40 — Ахборот, 20.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА. 17.35 — Ёшлар фестивали, 18.05 — Телефильм, 19.00 — Театр афишалари олдида, 20.00 — ТОШКЕНТ. **«Ярим аср йилномаси»**, 20.55 — Музикали эшиттириш, 21.35 — Юксалиш программаси, 21.55 — **Музкоманда йигитлари** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Телеспектакль, 21.30 — Врач маслаҳати, 21.50 — Фильм-концерт.

29 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Ахборот, 19.20 — Телефильм, 20.10 — «БЎСТОН», 21.25 — Ахборот, 21.40 — Телеочерк, 22.30 — МОСКВА: **Футбол:** «ДИНАМО» (Киев) — «НЕФТЧИ» (Боку).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Беш йиллик чақириқлари, 19.00 — МОСКВА. 20.00 — Янгиликлар, 20.10 — Шоира **Е. Шевелева** — студиямиз меҳмони, 20.30 — Концерт. 21.00 — Янгиликлар, 21.05 — Телефильм, 21.55 — Концерт, 22.00 — Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Соз, дутор ва дўмбра тароналари, 20.50 — **Бағри тош отанинг ўғиллари** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

30 ИЮЛЬ — ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ, 19.05 — Ахборот. **Узбек тилида:** 19.15 — Шоирлар — болаларга, 19.35 — Юксалиш программаси, 19.55 — Ахборот, 20.10 — Концерт, 21.00 — МОСКВА. СССР халқлари V спартакиадасининг тантанали ёпилиши.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 — ТОШКЕНТ. Телефильм, 19.00 — МОСКВА. 19.30 — Тележурнал, 20.00 — Янгиликлар, 20.10 — Телефильм, 20.45 — Жанубий Африка Компартиясининг 50 йиллиги олдидан. 21.00 — ТОШКЕНТ. Ёзувчи ва беш йиллик. 21.30 — **Чол-кампир бўлган экан** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Врач маслаҳати, 20.10 — Фильм-концерт, 21.10 — «Тўлқинда-02». 21.40 — **«Бағритош отанинг ўғиллари** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

31 ИЮЛЬ — ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ, 10.00 — Севимли саройимизда, 10.55 — МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — Ахборот, 17.10 — Қувноқ пионер ёзи, 17.40 — Мультфильм, 17.50 — Истиқбол эгалари, 18.55 — Ахборот, 19.10 — Шеърият муҳлисларига. **Ойдин Ҳожиева**, 19.25 — Концерт, 20.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.15 — МОСКВА. 16.30 — Йўллар, биз ва автомобиль, 17.00 — Бадиий фильм, 18.10 — Дала почтаси, 18.40 — СССР халқлари V спартакиадаси якунлари, 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.40 — Ўзбекистон курортлари, 21.20 — Ялла ва рақслар, 21.40 — **Баландлик** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — **ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.**

1 АВГУСТ — ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгра барабан, 10.30 — Болалар учун концерт, 10.55 — МОСКВА, 11.00 — Янгиликлар, 11.05 — Мультфильмлар 11.45 — Сенга, ёшлик! 12.30 — Бугун Бутуниттифоқ темир йўлчилар куни, 13.00 — Концерт, 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Ахборот, 18.20 — Дўстларимиз мамлакатида. **Узбек тилида:** 18.50 — Ғазалхон ёшлигим, 19.50 — Телеочерк, 20.00 — Бадиий фильм, 21.10 — Бутуниттифоқ темир йўлчилар кунига бағишланган кўрсатув, 22.00 — Дала ишлари кундалиги, 22.10 — Ахборот, 22.30 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Маҳмуджон Исомиддинов** концерти. 23.30 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.00 — МОСКВА. 16.50 — Адабий ўқиш, 16.30 — Санъат оламида, 17.00 — Киносаёҳатчилар клуби, 18.00 — Халқаро программа, 18.30 — Адабий театр, 20.10 — Концерт, 20.55 — Бадиий фильм, 21.55 — Кинопанорама.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.10 — **ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.**

Турли МАМЛАКАТЛАРДА

СУДАНДАГИ ВОҚЕАЛАР

◆ ҚОҲИРА. МЕН агентлиги Омдурман радиосига суяниб хабар беради: генерал Нимейрини қўллаб-қувватловчи Судан армияси қисмлари бугун пойтахт радио станциясини қўлга олдилар. Ж. Нимейри бошчилигидаги революцион кенгашнинг аъзоси майор Абуал-Қосим Муҳаммад Иброҳим радио орқали сўзга чиқиб, бутун мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилганлигини айтди.

Агентликнинг хабар беришича, шундан кейинроқ генерал Нимейри ҳам радио орқали халққа мурожаат қилиб сўзлади.

◆ ЛОНДОН. Англияга қарашли БОАК авиакомпаниясининг самолётида Лондондан Хартумга жўнаб кетган Судан Революцион кенгашининг раиси Бабикер ан Нур бугун Бенғази аэропортида (Ливия) қўлга олинди. У Лондонда даволанган эди.

Рейтер агентлигининг хабар беришича, БОАК компаниясининг вакиллари самолёт Ливия маъмурларининг буйруғига биноан Бенғазида ерга қўнишга мажбур бўлганлигини айтганлар, ваҳолонки самолётнинг Бенғази аэродромига қўниши кўзда тутилмаган эди. Ан Нур билан бирга Судан Революцион кенгашининг аъзоси майор Муҳаммад Маҳжуб ҳам қўлга олинди.

◆ ЛОНДОН. Рейтер агентлиги хабар беради: Бағдоддан Судан пойтахти Хартумга қараб йўлга чиққан Ироқ самолёти Дид шаҳридан (Саудия Арабистони) беш километр нарида осмонда портлаб кетди.

Самолётда Ироқ делегацияси бор эди. Делегация составида Араб Социалистик Уйғониш партияси умумараб раҳбарлигининг аъзоси Муҳаммад Сулаймон ва шу партия регионал раҳбарлигининг аъзоси Сабоҳ Солиҳ бор эди. (ТАСС).

АҚШДА ИШСИЗЛИК

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Расмий маълумотларга кўра, АҚШдаги энг йирик 10 та шаҳарнинг камбағаллар яшайдиган районларидаги ишсизлик шу йилнинг иккинчи кварталида меҳнатга яроқли бутун аҳолининг 10,1 процентига етди. Негрлар ва бошқа майда миллатлар орасидаги ишсизлик даражаси бундан ҳам кўтарилиб, 11,9 процентга етди.

ВАШИНГТОН НИМАГА ИНТИЛМОҚДА

Шу кунларда расмий Вашингтон дипломатияси ўта активлик кўрсатмоқда. АҚШнинг олий мартабали давлат арбоблари мамлакатма-мамлакат изғиб юрибдилар. Бундай сафарлар сиёсий тилда «қайноқ нуқталар» деб аталмиш районларга — Ҳинди-Хитой ва Яқин Шарққа ҳам уюштирилди. АҚШ мудофаа министри М. Лейрд Япония ва Жанубий Кореяга борди. Президент Р. Никсоннинг миллий мудофаа масалалари бўйича ёрдамчиси Г. Киссинжер Таиланд, Ҳиндистон ва Покистонда бўлди. Вашингтоннинг ушбу эмиссари Пекинга ҳам ўтди. АҚШ Марказий разведка бошқармасининг бошлиғи Ричард Хелмс Исроил, Туркия ва Эронга сафар қилди. Вице-президент С. Агню эса Яқин Шарқ, Африка ва Ғарбий Европа мамлакатлари бўйлаб мўлжалланган 32 кунлик сафарини давом эттирмоқда.

Бу активликка сабаб нима?

АҚШ расмий доиралари уюштирилаётган сафарлар ёрдами билан, аввало, ўзларининг Ҳинди-Хитойдаги ҳалокат томон кетаётган сиёсатларни оқлашга, унинг умрини узайтириб қолишга уринмоқдалар.

Маълумки, Америка халқи ҳам, жаҳон жамоатчилиги ҳам Вьетнамдаги мудҳиш ва босқинчилик урушининг дарҳол тўхтатилишини кескин талаб қилмоқда. Энди Вашингтон дипломатияси турли найранглар ва лўттибозликлар билан Пентагон Ҳинди-Хитойда олиб бораётган бу шармандали урушни жаҳон халқлари олдида оқлай олмайди. Юз бераётган воқеаларнинг ривожланиши буни исботлаб турибди. Мана шу шароитда АҚШ дипломатияси нима қилиб бўлса ҳам Жануби-Шарқий Осиёдаги Америка сиёсатини бугунги кўринишида сақлаб қолишга интилмоқда. Ана шу мақсадда реакцион тузумлар билан ўз алоқасини мустаҳкамламоқда, ўз иттифоқчиларини хатарли йўлга тортмоқда. Вашингтон бу бобда ҳарбий-сиёсий иттифоқларга алоҳида умид боғламоқда. СЕНТО, СЕАТО, АЗПАК сингари ва бошқа агрессив блокларини жонлантиришга ҳаракат қилмоқда. Буни кейинги пайтларда қатор блокларнинг бўлиб ўтган сессиялари кўрсатиб берди.

Ўтган ойда агрессив НАТО блокининг ёзги сессияси бўлиб ўтган эди. Яқинда Филиппин пойтахти Манила шаҳрида АҚШ хомийлигида тузилган бошқа ҳарбий-сиёсий иттифоқ АЗПАК блокининг 6-сессияси бўлиб ўтди.

Маълумки, Осиё-Тинч океан Совети — АЗПАК 1966 йилда расмий Вашингтоннинг кўрсатмаси билан тузилиб, унга Япония, Янги Зеландия, Тайвань, Филиппин, Жанубий Корея Таиланд, Жанубий Вьетнам, Малайзия ва Австралия аъзо қилиб олинди. АҚШ расман АЗПАКда иштирок этмаётган бўлса ҳам, лекин унинг ҳақиқий дирижёри эканлигини Осиё халқлари яхши биладилар.

АЗПАКнинг навбатдаги сессияси шу нарсани кўрсатиб бердики, халқаро империализм илгари бўлганидек, ҳозир ҳам ҳарбий-сиёсий блоклардан ўзининг қабиҳ мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Империализм ҳарбий блоклар ёрдамида озодлик ҳаракатларини бостиришга, ўзининг бой бериб қўйган позицияларини қайта тиклаб олишга интилмоқда. АЗПАК ҳам худди шу мудҳиш мақсадга хизмат қилмоқда. Буни ҳатто буржуа руҳидаги япон газетаси «Асахи» ҳам кўрсатиб ўтди. Газета ушбу блокнинг антикоммунистик характерини таъкидлаб, унинг фаолияти «Осиёда қарама-қаршилик ва кескинликнинг кучайишига олиб боради», деб ёзди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун актив курашаётган, жаҳон халқлари умрбоқий тинчликни орзиқиб кутаётган бир пайтда, халқаро империализм ўзининг янги уруш чиқаришга қаратилган бузғунчилик сиёсатини давом эттирмоқда.

Сўзсиз, бу сиёсат келажаги йўқ сиёсат бўлиб, жаҳон жамоатчилигининг кескин норозилигига учрамоқда.

Талъат СОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг халқаро шарҳловчиси.

Колумбия Компартиясининг органи «Вос пролетарна» («Ишчи овози») ҳафталик газетаси 1963 йилдан буён чиқади. Ҳукумат унинг таъсири кучайиб бораётганидан қўрқиб, газетани ёпиб қўйган эди. Ҳозир у яна ишчи, деҳқон ва зиёлиларнинг севимли газетаси бўлиб қолди. Суратда: студентлар «Вос пролетариа»ни сотиб олишяпти.

Н. УРТМИНЦЕВ фотоси, (ТАСС).

Америка империализмининг Ҳинди-Хитойдаги ҳарбий жиноятларини текширувчи комиссия АҚШ урушқоқларининг Вьетнам Демократик Республикасига қарши жиноий ҳаракатларини фош қилувчи кўплаб ҳужжат ва далиллар тўплади. Суратда: Куангбинь вилоятининг қишлоқларидан бирининг 1971 йил 22 мартда Америка авиациясининг ҳужумидан сўнгги кўриниши.

АПН фотоси.



Лиссабон — Португалиянинг ўзи сингари ҳам бой, ҳам қашшоқ, гўзал ва хунук шаҳар. Унинг ишчи кварталларида минглаб кишилар ҳамон хароба кулбаларда кун кечирмоқдалар. Суратда: пойтахтнинг ишчи кварталида.

Ю. КОРНИЛОВ фотоси, (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ХАБАРЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. Калифорния штатидаги Сан-Рафел шаҳрида Америка маъмурлари тўқиб чиқарган Анжела Дэвис «иши» суд мажлисидаги дастлабки тарзда муҳокама қилина бошланди. Қабул қилинган қарорга биноан иккинчи айбланувчи Р. Маждининг суди алоҳида ўтказилади. «Катта жюри» составида — негр аҳолисининг атиги бир вакили бор. Шу муносабат билан Анжеланинг адвокатлари жюри аъзоларини танлашнинг адолатсиз, камситувчи характерда эканлигини кўрсатдилар.

◆ ТОКИО. Окинава ўз тарихидаги энг даҳшатли қурғоқчиликни бошдан кечирмоқда. Кейинги беш ой ичида бу ерда бир томчи ёмғир ёққани йўқ. Жазирама офтоб ороллардаги асосий қишлоқ хўжалик экинлари бўлмиш шакар қамиш ва ананас экинзорларини деярли батамом қовжиратиб қўйди. Окинаванинг айрим жойларида сув истеъмоли кунига киши бошига тўрт литр қилиб чеклаб қўйилди. Оролларнинг қишлоқ хўжалигига етган зарар ўн миллион доллардан ошиб кетди.

◆ РИМ. Италия полицияси Турин шаҳри яқинидаги Монтанаро қишлоғида янги фашистларга қарашли яширин қурол-яроғ омборини топиб олди. 40 та автомат, 35 та милтиқ, 15 минг дона ўқ, пулеметлар, қўл гранаталари ва бошқа қурол-яроғлар қўлга олинди.

◆ ЛОНДОН. Шимолий Ирландия пойтахти Белфаст кўчалари яна инглиз қўшинлари билан маҳаллий аҳоли ўртасида қуролли тўқнашувлар майдонига айланди.

Шаҳарда бир неча бор отишмалар бўлди ва бомбалар портлади. Лондон матбуотининг хабар беришича, отишма вақтида инглизларнинг бир солдати ва шу жойда истиқомат қилувчи бир аёл ярадор бўлган. (ТАСС).

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Павел Васильевич **Кованов** пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР Халқ контроли комитети раиси вазифасидан озод қилди.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ, 10.00 — Ёш киноҳаваскорлар, 10.30 — «Азимут» 11.00 — Концерт, 11.25 — МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — Қувноқ пионер ёзи, 17.30 — Ахборот, 17.40 — Ҳужжатли фильм, 18.00 — Рангли телевидение. **Футбол:** «ПАХТАКОР» — «ДИНАМО» (Киев). 19.45 — Телеочерк, 19.55 — **«Мардлик — мангулик»**, 20.25 — Эстрада концерти, 21.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.10 — МОСКВА. Ҳайвонот оламида, 16.30 — Тележурнал, 18.35 — Мультфильм, 18.50 — Эфирда «Молодость», 20.00 — Футбол: «СПАРТАК» — «НЕФТЧИ» (СССР кубоги учун ярим финалнинг 1-тайми), 21.00 — ТОШКЕНТ. Назиржон Назаров куйлайди. 21.40 — Ўзбекистон курортлари, 22.00 — **Соҳилга руҳсат** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.15 — **ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Митти қайиқча — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Ёввойи қалб — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КЎКЧА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Асосий зарба (кундуз соат 11 ярим, 2, кеч 6 ва 8 яримда), **Меҳрибон отам** (эрталаб соат 10, кундуз соат 4 яримда):— «МОСКВА».

Майерлинг — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11 ярим, 2, 4 ярим, кеч 7 ва 9.15 минутда).

Уртоқ шаҳзода жанобиқ олийлари (жуфт соатларда), **Американинг гўзал қиз** (тоқ соатларда):— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Оливер — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Интеграл — «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳамроз — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун, ўзбек тилида).

Ҳаётнинг бир куни — Ҳамза номли (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Митти қайиқча — «ФЕСТИВАЛЬ».

Уртоқ шаҳзода жанобй олийлари — «ХИВА».

Асримиздан миллион йил илгари — ТЕЛЬМАН номли.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2, 3 АВГУСТ КЕЧ СОАТ 8 ДА
II-РЕСПУБЛИКА АСКИЯЧИЛАР КОНКУРСИ ҒОЛИБЛАРИ ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

«АСКИЯ ВА КУЛГИ ОҚШОМИ»

АСКИЯЧИЛАР:
ИЖРОҚУМ БУВА
(Аминов Турсунбува, Қўқон)

ҒОЙИБАКА ТОШМАТОВ, МАМАРОЗИҚ ИСОҚОВ, НАСРИДДИН МИРЗААҲМЕДОВ, МАДАМИН ЮСУПОВ, ЗАЙНОБИДДИН ЮСУПОВ, НЕЪМАТЖОН ТОШМАТОВ.

ХОНАНДА ВА СОЗАНДАЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ОЛМАХОН ХАЙИТОВА, ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ, ЖУМАНАЗАР БЕКЖОНОВ;

Солистлар: Комилжон БАРАТОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Иброҳимжон ИСҲОҚОВ (Марғилон), Ҳадича АЛИМАРДОНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Билетлар сотилмоқда.

РЕСПУБЛИКА ЭЛЕКТРО-ТЕХНИКА МЕДИЦИНА ТЕХНИКУМИ

1971—1972 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

рентген ва электр медицина аппаратлари монтажи ва ремонти бўйича техник, фельдшер (фельдшер бўлимини тамомлаганлар рентген лаборанти бўйича ихтисослаштириладилар).

Ўқув юртига ўрта маълумотли ҳар икки жинсдаги 30 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 2 ярим йил.

Кирувчилар директор номига ариза, етуклик аттестати, медицина справкаси (286-форма), таржимаи ҳоли, 3 дона фотосурат (3х4 см) топширадилар.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Рентген ва электр медицина аппаратуралари монтажи ва ремонти бўйича техник бўлимига кирувчилар — она тили (ёзма), математика (оғзаки);

фельдшер бўлимига кирувчилар — она тили (ёзма), химия (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан бошланади.

Ўрта мактабни олтин медаль билан тугатганлар кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-107, Нурхон кўчаси, 16-уй (6, 14, 24 автобусларнинг «16 шаҳар касалхонаси» бекати). Телефон: 77-55-35, 77-45-16.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

А. — 169. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 04275.